



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**  
№4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4>

**Бош муҳаррир:**  
**Рахматов Анвар Исламович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Отажонов Абдоржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ**  
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**  
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудир, юридик фанлар доктори, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлар доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдуваҳидовна**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудир, юридик фанлар доктори*

**Тошев Бобокул Норқобилович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудир, юридик фанлар доктори*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист, юридик фанлар номзоди, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор*

**Отаҳонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси  
ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик)  
суди раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент*

**Исроилов Боҳодир Ибрагимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
кафедраси мудир, иқтисод фанлар доктори,  
профессор*

**Масъул котиб:**  
**Раҳманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
юридик фанлар номзоди*

**Саҳифаловчи:** Ҳамидулло Мўминов

**Контакт редакцији журнала:**  
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**  
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

№4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4>

**Главный редактор:**

**Рахматов Анвар Исламович**

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**Заместитель главного редактора:**

**Отажонов Абдоржон Анварович**

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Общественно-правового и научно-практического журнала  
ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**Адилкариев Хожимурод Тўхтамуродович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Тошев Бобокул Норкобилович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Исроилов Боходир Ибрагимович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор экономических наук, профессор*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович**

*Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент*

**Ответственный секретарь:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Хамидулло Муминов

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

№4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4>

**Chief Editor:  
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center  
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:  
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training  
Center under the Ministry of Justice, Doctor of  
Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

**Adilkariyev Khojimurat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of  
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the  
Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Toshev Bobokul**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Israilov Bokhodir**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Economics, Professor*

**Ayubov Ulugbek**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences, Associate  
Professor, Honored Lawyer of the Republic of  
Uzbekistan*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Head of the Center of the Academy of the General  
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Chairman of the International Commercial  
Arbitration Court at the Chamber of Commerce  
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Executive Editor:  
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences*

**Pagemaker:** Khamidullo Muminov

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ФАЙЗИЕВ Олим**

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ  
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА ..... 7

**2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
КАФОЛАТЛАРИ ..... 18

**4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич**

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 29

**5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 38

**6. НОДИРОВ Давурхон Икромович**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН  
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

**7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич**

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**8. ОКЮЛОВ Омонбой**

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК  
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ ..... 55

**9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 65

**9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна**

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ  
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 71

**10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР ..... 76

**11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович**

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

**12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА  
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 89

**13. KHUSAINOVA Rano**

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**  
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**  
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:  
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ..... 109

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**  
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ  
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**  
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ  
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ..... 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**  
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**  
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ..... 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**  
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ..... 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**  
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР  
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**  
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**  
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 174

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**ФАЙЗИЕВ Олим**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)  
E-mail: olimfayziyev86@gmail.com

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ФАЙЗИЕВ О. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАМДА MASЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМЛАР СИФАТИДА // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б.7–12.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада халқ билан мулоқот ва аҳоли муурожаатлари билан ишлашдаги айрим муаммоларга фуқароларнинг муурожаат қилиш маданиятини юксалтириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг муурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларини мунтазам ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириб бориш зарурлиги ечим сифатида кўрсатилиб, аҳамияти баён қилинган.

**Калит сўзлар:** аҳоли муурожаатлари, халқ билан мулоқот, муурожаат қилиш маданияти, давлат органлари, ходимлар малакасини ошириш, ходимларни муурожаатлар билан ишлаш бўйича ўқитиш.

**ФАЙЗИЕВ Олим**

Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (Phd)  
E-mail: olimfayziyev86@gmail.com

## ПОВЫШЕНИЕ КУЛЬТУРЫ ОБРАЩЕНИЯ ГРАЖДАН И ОБУЧЕНИЕ ОТВЕТСТВЕННЫХ КАДРОВ – В КАЧЕСТВЕ РЕШЕНИЯ НЕКОТОРЫХ СИСТЕМНЫХ ПРОБЛЕМ

### АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается актуальность повышения культуры обращения граждан, а также



необходимость системного обучения и повышения квалификации лиц государственных органов и организаций, ответственных за рассмотрение обращений путем решения некоторых проблем диалога с народом и процесса работы с обращениями.

**Ключевые слова:** обращения населения, диалог с народом, культура обращения, государственные органы, повышение квалификации сотрудников, обучение сотрудников по работе с обращениями граждан.

FAYZIYEV Olim

Tashkent State University of Law, independent researcher,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: olimfayziyev86@gmail.com

## INCREASING THE CULTURE OF CONVERSION OF CITIZENS AND TRAINING RESPONSIBLE PERSONNEL AS A SOLUTION OF SOME SYSTEM PROBLEMS

### ANNOTATION

The article reveals the relevance of improving the culture of citizens' appeal, as well as the need for systemic training and advanced training of persons of state bodies and organizations responsible for considering appeals by solving some problems of dialogue with the people and the process of working with appeals.

**Keywords:** appeals of the population, dialogue with the people, culture of appeal, state bodies, professional development of employees, training of employees to work with citizens' appeals.

Миллий давлатчилигимиз тарихи барча соҳаларда бўлгани каби аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш [ушбу мақолада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш деганда, мурожаатларни кўриб чиқишининг барча босқичлари назарда тутилади] борасида ҳам улкан илмий салоҳият ҳамда бой амалий тажрибага эга, ушбу манбаларда мурожаат қилиш ҳуқуқи ва мурожаат қилиш маданиятига оид кўплаб қимматли маълумотлар учрайди.

X–XI асрларда яшаган буюк олим Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний бобомиз ҳам ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида “Олий тангрининг нуфузли тақдир билан оламда бирор замонни халқ инонадиган адолатли йўлбошчисиз қўймаслиги–халойиқ манфаатларига мос латиф тадбирларидан ва барча халққа берган улуғ неъматларидандир. [Тангри] уни ўз халқига раҳбар қилиб қўяди, улар оғир аҳвол ва бахтсизликларга, қаттиқчилик ва кулфатларга [дуч келганларида] ундан паноҳ тилайдилар; бирор иш шубҳали бўлганда, унинг ҳукмига мурожаат қиладилар. Унинг ижтиҳоди билан оламда тартиб барпо бўлади” дея келтиради [1, Б.39].

Қайд этиш жоизки, фуқароларнинг амалдорларга мурожаат қилиш усуллари ва тартиблари турли асрларда турлича бўлган (айрим вақтларда мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш содда ва натижалли бўлган бўлса, айрим вақтларда эса, мураккаб, яъни халқ ўз дардини саройга ёки амалдорларга бориб айтиши жуда мушкул, натижадорлиги ҳам ҳамин қадар бўлган). Шу маънода, фуқароларнинг Давлат раҳбари ва бошқа мансабдор шахслар ҳамда давлат органларига мурожаат қилиши амалиёти миллий давлатчилигимизнинг тарихий илдизларига бориб тақалади.

Замонавий жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ўзгариши монанд равишда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ҳам такомиллашиб боришига олиб келди. Шу муносабат билан, давлат-жамият-шахс ўртасидаги барқарор ва ўзаро алоқаларни таъминлашга мўлжалланган фуқаролик жамияти институтлари янада фаол ривожланиб, уларнинг ҳуқуқий асослари мустақамлаб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратишда ҳам “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилганлиги” унинг ҳар бир қоидасида акс этиб туради [2], хусусан, Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат

қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, 93-моддасида эса, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг **кафили эканлиги** мустаҳкамлаб қўйилганлиги фикримиз далилидир.

Ўтган қарийб ўттиз йиллик мустақил тарихимизда аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш борасида ўзига хос бой амалий тажриба тўпланди, ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, сўнги тўрт йил давомида қатъий талабчан сиёсий ирода туфайли, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, халқ билан очиқ мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва уларга баҳоли қудрат ечим топиш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий ва ажралмас йўналишларидан бирига айланди.

Айтиш лозимки, бугунги кунда давлатнинг халқ билан мулоқот ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги вазифалари бажарилишини таъминлаш ва бу борада махсус ваколатли органлар иш фаолиятини ташкил этишда ютуқлар билан бирга, табиийки, тизимли ёндашувлар асосида ҳал этилиши талаб этиладиган айрим муаммолар мавжуд. Айрим муаммолар хусусида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда, шунингдек ўзаро мулоқот ва муҳокамаларда турли фикрлар билдирилмоқда.

Бу борада сўз кетганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “бошқарув тизими сифатини оширишда **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур”лиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтганларини таъкидлаш ўринлидир [3].

Шу нуқтаи назардан, халқ билан мулоқот ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашдаги айрим муаммоларга давлат органлари ва ташкилотларнинг мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларини мунтазам ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириб бориш ҳамда фуқароларнинг мурожаат қилиш маданиятини юксалтириш орқали самарали ечим топиш мумкин.

Маълумки, маданият – жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуини ёхуд субъектив нуқтаи назардан ёндашсак, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифатлилик мезонларини акс эттирувчи тушунча ҳисобланади [4, Б.521].

Маданиятнинг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий маданият – муайян жамоа (давлат, диний, этник гуруҳлар) аъзолари томонидан қабул қилинган ва тартибга солиш учун қўлланиладиган қадриятлар, ҳуқуқий ғоялар, эътиқодлар, хулқ-атвор қоидалари, ҳуқуқий анъаналар тизими ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси давлат органларига юборилган мурожаатларнинг сони ва сифатига таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади [5, Б.12]. Замонавий ҳуқуқшунослар – олимлар ва амалиётчилар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг етарли даражада эмаслиги ҳамда ҳуқуқий нигилизмнинг мавжудлиги сабабли, уларнинг ҳуқуқий онгида “тизимли инқироз” мавжудлигига эътибор қаратишмоқда [6, Б.105], [7, Б.55], [8, Б.220]. Мазкур қарашлар шу билан изоҳланадики, минг афсуски, аксарият ҳолатларда, фуқаролар мурожаат қилаётган давлат органи тузилмаси, унинг вазифалари ва ваколатлари, тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида етарли билим ва кўникмага эга бўлмайди.

Албатта, ушбу ҳолат муаммонинг бир томони ҳисобланади. Ҳолатни муфассал таҳлил қилиш учун ушбу муаммонинг иккинчи томони – мурожаатларни давлат органларида кўриб чиқилишига эътибор қаратиш лозим. Бунда мансабдор шахслар, давлат хизматчилари ва ходимлар давлатнинг муайян соҳадаги сиёсатини амалга оширувчи субъект сифатида юқори касбий фазилатларга эга бўлишлари шарт.

Давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан мурожаат қилаётган фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишда ҳамда ҳимоя қилишда ёрдам бериш қобилияти, мазкур субъектларнинг махсус билимлари ва кўникмалари даражасига бевосита боғлиқдир.

Юқоридаги билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги бюрократик тўсиқлар, ортиқчарасмиятчилик ва мурожаатларга бепарво муносабатда бўлиш, мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорларни бажармаслик ва бошқа салбий оқибатларни юзага келтиради [9, Б.42].

Қайд этиш лозимки, халқ билан мулоқот ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш зиммасига бундай

функциялар юклатилган ҳар бир давлат хизматчиси, ташкилот ходимлари учун мураккаб ҳисобланади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича тўпланган тажриба кўрсатмоқдаки, давлат органи ва ташкилотга, мансабдор шахс қабулига, асосан, муаммоси мавжуд, ўзини адолатсизликка учраган, деб ҳисобловчи фуқаролар келади, шу боис, уларнинг салбий кайфиятда бўлиши эҳтимоли даражаси юқори бўлади.

Шу сабабли, фуқароларни қабул қиладиган, уларнинг “дард”ини эшитиб, “малҳам” бўладиган давлат хизматчилари юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш билан бирга, кўпгина, жумладан, психология, юриспруденция, тиббиёт, теология каби соҳаларда етарли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлашда баъзан биргина кичкина хатоликка йўл қўйилиши ҳам оғир оқибатларга сабаб бўлиши, мамлакатнинг имиджига ва аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилиши мумкин.

Ҳозирги замон талаблари давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришни, идоравий ҳуқуқий нигилизмнинг турли кўринишларининг олдини олиш мақсадида самарали чоралар кўрилишини тақозо этмоқда. Жумладан, ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги тезкор ўзаро алоқани таъминлайдиган видеоконференц алоқа, смс-хабарлар, оммавий қабул каби мурожаатларнинг янги ва замонавий механизмлари жорий этилаётганлиги сабабли, жамоатчилик билан алоқаларнинг ушбу соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келган.

Бизнингча, бугунги кунда тегишли давлат органлари, ташкилотлар, жумладан фуқаролик жамияти институтлари томонидан аҳолининг **мурожаат қилиш маданиятини оширишга оид тизимли ва манзилли чоралар кўрилмаётганлиги**, таълим муассасаларида эса, ушбу йўналиш бўйича **махсус ўқув курслари мавжуд эмаслиги**, мурожаатлар билан ишлашга **масъул бўлган ходимлар малакасини мунтазам ошириш** масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Аҳолининг мурожаат қилиш маданиятини оширишга оид тизимли ва манзилли тадбирлар кўрилиши зарур. Бунда:

- оилада болаларда муомала маданиятини юксалтириш, уларда ҳар бир шахс ўз муаммоларини, аввало, ақли ва кучи билан ҳал қилишга ҳаракат қилиши лозимлиги, оддий муаммоларни ҳам бошқа шахсларга айтивермаслик одобдан эканлиги бўйича кўникмалар ҳосил қилиш, китоб ўқишга рағбатни ошириш;

- жамиятнинг барча бўғинларида саводхонлик даражасини ошириш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари матнини қисқа, лўнда, аниқ ва тушунарли тарзда баён қилинишига эришиш;

- мактабгача таълим муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг “Тарбия” дарсларида мурожаат қилиш одобини, хусусан, тухмат ва ҳақорат қилиш, нутқда ножўя сўзларни ишлатиш каби салбий иллатлардан тийилиш зарурлигини, уларнинг оқибатларини болаларга алоҳида мавзу сифатида чуқур ўқитиш;

- кадрлар тайёрлаш тизимига, жумладан, ўқув муассасалари, малака ошириш марказларида “мурожаат қилиш ҳуқуқи” бўйича назарий ва амалий масалалар, миллий ва хорижий тажрибани ўрганишни қамраб олувчи махсус ўқув курсларини жорий этиш;

- ўқув режа ва дастурларини мазмун жиҳатидан тегишли мутахассислик битирувчиларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш;

- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни мунтазам ошириб бориш.

Шунингдек, миллий ижодкорларимиз томонидан ҳам, айниқса, болалар учун медиа контентларни тайёрлашда юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча, бу борада ҳуқуқий асосларни яратиш ва тизимли иш ташкил қилиш, жумладан ҳар бир шахсда мурожаат қилиш маданиятини юксалтириш бўйича алоҳида концепция ишлаб чиқиш ва унинг амалда тўлиқ ижросини таъминлаш зарур.

Таҳлил қилинган муаммоларнинг иккинчи томони юзасидан фикр билдирган ҳолда биз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари фуқароларнинг мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқининг амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаётнинг барча соҳаларида ва қонунчилик юзасидан фуқароларга нисбатан юқори маълумотларга эга бўлиши шарт, деган хулосага келдик.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятини ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг ваколатлари ва фаолият йўналишлари, жойлашган манзили, қабул кунлари ва соатлари тўғрисида маълумот беришлари мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашда тегишли йўналиш ва мутахассисликлар рўйхатини аниқлаб, уларда мурожаатлар билан ишлаш масалалари чуқур ўқитилиши лозим. Келгусида босқичма-босқич аҳоли мурожаатлари билан ишлашни ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида “Мурожаат қилиш ҳуқуқи” номли махсус ўқув курсларини жорий этиш масаласи ҳал этилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Давлат органларининг мурожаатлар билан ишловчи ходимлари мунтазам равишда ўқитилиши ва уларнинг малакаси ошириб борилиши ҳам соҳада олдимизда турган айрим муаммоларнинг ҳал этилишига асосий туртки бўлиб хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасида давлат органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини **ўқитиши** ва **уч йилда камида бир марта** уларнинг **малакасини ошириши**, улар билан боғлиқ ҳуқуқий механизмлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган бўлса-да, ҳозирга қадар бу борада олдинга силжиш кузатилмапти [10].

Ҳукумат томонидан қонун ижроси бўйича 2018 йил 7 майда қабул қилинган 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низомда ҳам давлат органлари, ташкилотларнинг мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитиши ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини ошириши бўйича механизмлар баён этилмаган [11].

Шунингдек, **шахсий кузатувларимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак**, аҳоли мурожаатлари билан иш олиб бориш, айниқса, ҳозирги сўз эркинлигини таъминлаш ва очиқлик сиёсати амалга оширилаётган вақтда оғир ва ўта масъулиятли эканлиги сабабли, ушбу йўналишга кадр танлаб қўйиш мушкул бўлиб қолмоқда.

Шу боис, давлат органларида аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлашнинг оғир ва масъулиятли эканлигини инобатга олиб, мазкур йўналишда тизимли ишлар қилиниши, жумладан, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш орқали соҳада ишлашнинг жозибадорлигини ошириш, ходимларни мунтазам равишда ўқитиш ва малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналарида стажировка ўташи бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мақоладаги таклифларнинг амалга оширилиши натижасида кўплаб моддий ресурсларнинг ортикча сарфланиши, такрорий мурожаатлар кўпайиши, аҳоли норозилиги каби муаммоларнинг олди олинади, шунингдек фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли ташкил этилади ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлик механизмлари ҳаётга жорий этилади.

Зотан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлигини кескин оширишнинг калити, бир томондан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва уни ҳимоя қилиш малакасини яратиш, деб қаралса, бошқа томондан мурожаатлар соҳасида фаолият юритувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг доимий малакасини ошириш, пировардида, ушбу йўналишда профессионал давлат хизматчисини тарбиялаш тизимининг сифатли йўлга қўйилганлиги ҳисобланади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ал-Беруний, Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Асарлар. /Таржимон А.Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев/. Т. “Фан”, 1968. (Ўзбекистон ССР Фан.акад.Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти). Т.І. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/. Кириш сўзи И.Абдуллаев ва О.Файзуллаевники/. 1968. (Al-Beruni, Abu-r-Rayhan Muhammad ibn Ahmad. Works. / Translator A.Rasulov. Comments were made by I.Abdullaev and A.Rasulov. Responsible editors: I.Abdullaev and O.Fayzullaev /. T. Fan, 1968)

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>)

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>. (Text of President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/en/lists/view/3324>).
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. Т.2. Е-М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. (Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. T.2. E-M. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006)
5. Цыбулевская О.И, Гузенко Е.С. Реализация конституционного права граждан на обращение: культурологическое измерение // Правовая культура. – 2018. – № 4 (35). (Tsybulevskaya O.I., Guzenko E.S. Realization of the constitutional right of citizens to appeal: cultural dimension // Legal culture. - 2018. - No. 4 (35))
6. Novokshonov K.A. Forming the Legal culture of citizens in exercising the right to appeal to state bodies and institutions. // Профильное и профессиональное образование в условиях современного поликультурного пространства. Материалы VI Международной научно–практической конференции. Ответственный редактор: Шаронова В.Б. – М., 2018.
7. Комарова И.И. Генезис института обращений граждан в органы власти в России: культурно-правовой аспект // Проблемы межрегиональных связей. – 2017. – № 12. (Komarova I.I. The genesis of the institution of citizens' appeals to the authorities in Russia: cultural and legal aspect // Problems of interregional ties. - 2017. - No. 12)
8. Уздимаева Н.И. Самозащита личности – правовой институт гражданского общества // Взаимодействие гражданского общества и государства в России: правовое измерение / кол. авт. ; под ред. О. И. Цыбулевской. – Саратов: Поволжский институт управления им. П.А.Столыпина, 2013. (Uzdimaeva N.I. Self-defense of the individual - the legal institution of civil society // Interaction of civil society and the state in Russia: legal dimension / ed. O. I. Tsybulevskaya. - Saratov: Povolzhsky Institute of Management. P.A. Stolypin, 2013)
9. Сергеева С. Ю. Формы и уровень социальной активности граждан в современной России (по результатам вторичного анализа) // Теория и практика общественного развития. – 2015. – № 13. (Sergeeva S. Yu. Forms and level of social activity of citizens in modern Russia (based on the results of secondary analysis) // Theory and practice of social development. - 2015. - No. 13)
10. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). ЎРҚ-445-сон 11.09.2017 // URL: <https://lex.uz/docs/3336169?twolang=1>. (Law of the Republic of Uzbekistan “On appeals of individuals and legal entities” (new edition) // URL: <https://lex.uz/docs/3336169?twolang=1>)
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 341-сон 07.05.2018. // URL: <https://lex.uz/docs/3730228> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “On approval of the Model Regulations on the procedure for dealing with appeals of individuals and legal entities in government agencies, public institutions and organizations with state participation.” №341. 07.05.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3730228>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

Тошкент давлат юридик университети  
“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

## ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ХУЖАНАЗАРОВ А.А. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б.13–17.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-2>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таснифидан келиб чиққан ҳолда адлия органларининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги иштироки атрофлича тадқиқ этилган. Қонун ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техника жиҳатдан расмийлаштириш, жамоатчилик муҳокамаси ва манфаатдор идоралар билан келишувини амалга ошириш бўйича амалдаги тартиб-таомиллар нуктаи назаридан амалга оширилади. Ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги, бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорлар лойиҳаларини тайёрлашни ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилиши зарурлиги асослаб берилган ҳамда адлия органларининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича функционал вазифаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** адлия, лойиҳа, қонун, норма, экспертиза, давлат, функция, ҳуқуқ, қарор.

**ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

Преподаватель кафедры “Теория государства и права”  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

## УЧАСТИЕ ОРГАНОВ ЮСТИЦИИ В РАЗРАБОТКЕ ПРОЕКТОВ АКТОВ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

### АННОТАЦИЯ

В статье подробно изучено участие органов юстиции в разработке законопроектов на основе классификации нормативно-правовых актов. Осуществление с точки зрения существующих процедур по подготовке законопроектов и подзаконных актов, оформление их с учетом юридико-технических правил, широкого обсуждения и проведение согласования с соответствующими ведомствами, а также рассматривается необходимость совершенствования работы региональных органов юстиции нормотворческой сфере, и подготовки проектов постановления, принимаемые органами государственной власти на местах. Выработаны предложения по совершенствованию

функциональных задач органов юстиции при разработке законопроектов.

**Ключевые слова:** юстиция, проект, закон, норма, экспертиза, государство, функция, право, постановление.

**KHUIJANAZAROV Azizjon**

Teacher of the Department of Theory of state and law of

Tashkent State University of Law

E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

## PARTICIPATION OF THE BODIES OF JUSTICE IN THE DEVELOPMENT OF DRAFT LEGISLATION

### ANNOTATION

This article examines in detail the participation of the judiciary in the development of draft laws based on the classification of regulatory legal acts. This article is carried out from the point of view of the existing procedures for the preparation of draft laws and bylaws, their execution in accordance with legal and technical rules, public discussion and agreements with the relevant departments. The article also emphasizes the need to improve the work of regional justice bodies in the field of rule-making, and their implementation of the preparation of draft resolutions adopted by local government bodies. The article puts forward proposals for improving the functional tasks of the justice authorities in the development of draft laws.

**Keywords:** justice, project, law, norm, examination, state, function, law, decree.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳукуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2020-2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш Концепцияси”га кўра ягона давлат ҳукуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш адлия органлари ва муассасалари тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади [1]. Хусусан, адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти кенг қамровли бўлиб, норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш тизим фаолиятининг асосий йўналишлардан биридир.

Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида уларни ҳукуқий экспертизадан ўтказишдан ташқари, лойиҳани тайёрлашни режалаштириш ва ташкил қилиш, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва манфаатдор идоралар билан келишувни таъминлаш ҳам адлия органларининг бу борадаги муҳим функционал вазифалари мазмунини белгилайди. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятида адлия органларининг иштироки тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, авваламбор мазкур фаолиятнинг ўзини аниқлаштириш лозим.

Ҳ.Т.Одилқориев фикрича, норма ижодкорлиги жараёни норматив-ҳукуқий ҳужжат билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади [2].

Бизнинг фикримизча, норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни ўз ичига лойиҳаларни тайёрлашни режалаштириш, лойиҳани тайёрлашни ташкил этиш, лойиҳани тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш, лойиҳани ишлаб чиқиш ва юридик-техника жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда манфаатдор идоралар билан келишиш, якунида эса ваколатли органлар томонидан ҳукуқий экспертизадан ўтказилиши фаолиятларини қамраб олади. Мазкур жараёнларнинг барчасида адлия органлари ўзларига берилган ваколат доирасида тўлиқ иштирок этади.

В.Ф. Степанищев фикрича, ҳудудий адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятининг барча босқичларида иштирок этади: “лойиҳаолди” босқичида; норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш босқичида; ҳулосавий босқичида. Ҳудудий адлия органлари бу фаолиятнинг режа ва дастурларига таклифлар киритиш йўли билан норма ижодкорлиги жараёнини режалаштиришда

иштирок этишлари лозим [3, Б.22].

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича адлия органлари томонидан қуйидаги фаолият амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бу ҳақдаги таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолати ва ҳуқуқни қўлланилиш амалиётини, халқаро тажриба ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

вазирлик, давлат қўмита ва идоралар билан биргаликда норматив тусга эга бўлган қўшма қарор (буйруқ) лойиҳасини ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.

Қайд этиш лозимки, Адлия вазирлиги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бугунги кунга қадар самарали фаолиятни амалга ошириб келмоқда. Ўтган 2019 йил давомида вазирлик томонидан жами 55 та қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган. Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун, “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидандир [4, Б.12-13].

2020 йил 8 сентябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси юзасидан Адлия вазири Р.Давлетов бугунги кундаги қонунчилик аҳволи юзасидан айрим масалаларга тўхталиб ўтиб, ҳуқуқ назарияси ва қонунчилик амалиётининг узоқ йиллик тарихида шаклланган **“қонун ҳужжатлари”** ва **“қонун”** каби алоҳида фундаментал тушунчалар миллий қонунчилигимизда йиллар давомида бир хил маънони англатувчи тушунчалар сифатида қўлланиб келинганлигини ҳамда мазкур тушунчаларни умумъэтироф этилган мазмуни ва маъносига кўра баён этиш кераклигини таъкидлаб ўтди [5].

Шунингдек, Адлия вазирлигининг қонун ости ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича самарали фаолият юритганлигини 2019 йил давомида вазирлик томонидан 67 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, 110 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, 46 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлигида кўриш мумкин [4, Б.12-13].

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сон қарорига мувофиқ қонунлар, Президент ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш (имзолаш) ва киритиш Ягона электрон тизим орқали амалга оширилади. Ундан норма ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш масаласига услубий раҳбарлик қилишни ва мазкур тизимдаги жараёнларнинг жараёнини доимий мониторинги Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра, Адлия вазирлиги норматив тусдаги адлия вазирининг буйруғи ҳамда вазирлик, қўмита ва идоралар билан биргаликда қўшма қарор (буйруқ) лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин [6].

Ушбу турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақида О.Файзиев идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатлар билан бериш амалиётига чек қўйишни таъкидлайди [7, Б.8].

**Амалдаги қонунчилик ва назария таҳлили қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш орқали адлия органларининг соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2420, 01.02.2013 йил) билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг



7-бандида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича субъектлар доираси аниқ белгиланган бўлиб, яъни лойиҳани тайёрлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган бўлсада, ушбу бандда ҳудудий адлия органлари кўрсатиб ўтилмаган [8].

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган “Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тўғрисида”ги Намунавий низомнинг 8-банд тўртинчи хатбошисида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг ҳуқуқларидан бири сифатида кўрсатилган [9].

Амалдаги тартибга кўра ҳудудий адлия органлари ҳам ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиши ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритади [10].

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўриқноманинг 7-бандини “лоийҳани тайёрлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ (комиссия), ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилиши мумкин”, тарикасида тахрир этилиши таклиф этилади.

Мазкур таклиф қабул қилиниши натижасида ҳудудий адлия органлари томонидан ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий соҳада зарур эҳтиёжга эга қарор лойиҳаларини аниқлаб ва уларни ишлаб чиқиб, тегишлилиги бўйича ҳокимликлар ва маҳаллий кенгашларга кўриб чиқиш учун киритилиши таъминланади. Зеро, норма ижодкорлиги фаолиятини марказлашиб қолишини олдини олиш, ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудларда адлия органлари мавқеини янада ошириш, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқилишида ролини мустаҳкамлаш тизим ривождаги асосий мезонлардан биридир.

2. Фикримизча, **адлия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятида иштирокининг мазмунини** — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш ва ташкил этиш, лойиҳани тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш, лойиҳани ишлаб чиқиш ва юридик-техника жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда манфаатдор идоралар билан келишиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши жараёнларидаги иштироки ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бундай ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш босқичларида самарали иштирок этиш, ўз навбатида адлия органларининг ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш каби асосий функционал-вазифаларининг зарурий элементлари сифатида муҳим аҳамиятга эга.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4820060> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 19, 2020 “On measures to further improve the activities of bodies and institutions of justice in the implementation of state legal policy” // URL: <https://lex.uz/docs/4820060>)

2. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002. (Odilqoriev X.T. Constitution and civil society. –T.: Sharq, 2002. –p.250)

3. Степанищев В.Ф. Роль органов юстиции в обеспечении единого правового пространства Российской Федерации. Авторефер. дис...канд. юр. наук – Тюмень, 2003. (Stepanishchev V.F. The role of the judiciary in ensuring a unified legal space of the Russian Federation. Autorefer. dis ... cand.

legal entity Sciences - Tyumen, 2003)

4. Адлия вазирлигининг 2019 йилги фаолияти сарҳисоби ва режалар // URL: [www.huquqiportal.uz/uploads/library/2019.pdf](http://www.huquqiportal.uz/uploads/library/2019.pdf) (Summary of activities and plans of the Ministry of Justice for 2019 // URL: [www.huquqiportal.uz/uploads/library/2019.pdf](http://www.huquqiportal.uz/uploads/library/2019.pdf))

5. Парламентда Адлия вазири вазирлик томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини тақдим қилди. // URL: <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/100721/?PIC=Y> (In Parliament, the Minister of Justice presented a draft law developed by the ministry // URL: <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/100721/?PIC=Y>)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2105724>. (The law of the Republic of Uzbekistan “About normative-legal act”, adopted on December 24, 2012 // URL: <https://lex.uz/docs/2105724>)

7. Файзиев О.Р. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш. Фалсафа доктори (PhD) ... дис.автореферати. Т.: 2018. – (Fayziev O.R. Improving the efficiency of legal examination and state registration of orders and decisions of ministries, state committees and agencies. Doctor of Philosophy (PhD) ... dissertation abstract. T.: 2018)

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи // URL: <https://lex.uz/docs/2127706> (Order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan from February 1, 2013 “On the approval of the instructions on the procedure of preparation, legal and technical registration and conducting the legal expertise of draft regulatory and legal acts, taken by the bodies of the state government” // URL: <https://lex.uz/docs/2127706>)

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // URL: <https://lex.uz/docs/2941418> (Resolution of the Cabinet of Ministers of April 27, 2016 “On Approval of Model Regulations on Management Departments of Khokimiyats of Regions, Cities and Districts” // URL: <https://lex.uz/docs/2941418>)

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 4 майдаги 133-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган “Жиззах вилоят адлия бошқармаси тўғрисида”ги НИЗОМ // URL: <http://jizzax.adliya.uz/uz/ob-upravlennii/zadachi-funksii-i-prava/> (Regulations on the Department of Justice of Jizzakh region, approved by the order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan from May 4, 2018 of No. 133 // URL: <http://jizzax.adliya.uz/uz/ob-upravlennii/zadachi-funksii-i-prava/>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, юридик фанлар доктори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТОШҚУЛОВ Ж.Ў. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б.18–28.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-3>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Мустақиллик Декларацияси”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти” да илгари сурилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги ғоялар “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” Конституциявий Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари ва қонунларининг виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатларига оид нормалари мантикий изчилликда таҳлил қилинган, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий кафолатлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган, соҳадаги айрим муаммоларга эътибор қаратилган, уларнинг ечимлари ҳақида муаллифнинг қарашлари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** виждон эркинлиги, жавобгарлик, жинойят, кафолат, Конституция, кодекслар, моддалар, нормалар, эркинлик, ҳуқуқ, ҳуқуқбузарлик.

**ТОШҚУЛОВ Журабой Уринбоевич**

Профессор Международной исламской академии Узбекистана, доктор юридических наук

### ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ СВОБОДЫ СОВЕСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье, в логической последовательности, анализируются идеи прав и свобод человека закрепленные в «Декларации Независимости», «Заявлении Верховного Совета о государственной независимости Республики Узбекистан», нормы касающиеся правовых гарантий свободы совести Конституционном законе «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан», Конституции Республики Узбекистан, кодексах и законах, предоставлена информация о достижениях в результате создания правовых гарантий этих прав и свобод в Узбекистане;

обращено внимание на некоторые существующие проблемы и широко освещаются взгляды автора на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** свобода совести, ответственность, преступление, гарантия, Конституция, кодексы, статьи, нормы, свобода, право, правонарушение.

**TOSHKULOV Juraboy**

Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences

## LEGAL GUARANTEES OF FREEDOM OF CONSCIENCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

In this article the ideas of human rights and freedoms in “Declaration of Independence”, “Statement of Supreme Soviet on state independence of the Republic of Uzbekistan”, the rules of law regarding legal guarantees of freedom of conscience (religion) in the constitutional law “On the bases of state independence of the Republic of Uzbekistan”, the Constitution of the Republic of Uzbekistan, codes and legislations are analysed in a logical; interesting information is provided on achievements during the years of Independence resulting from the establishment of the legal guarantees in Uzbekistan; paid attention to some problems in this regard and gives the views of the author on solutions.

**Keywords:** freedom of conscience, responsibility, crime, guarantee, Constitution, codes, articles, the rules of law, freedom, right, offence.

Виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи халқаро ҳамжамият томонидан умумэтироф этилгани инсоннинг табиий-шахсий ҳуқуқларидан биридир. Ҳозирги кунда ушбу ҳуқуққа оид муҳим қоидалар қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу ҳужжатларга жаҳондаги мутлақ кўпчилик давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди. Улардан 10 дан ортиғи виждон эркинлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш нормаларни ўз ичига олган. Республикада ушбу нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда ушбу жараён янада фаол тус олди.

Мустақиллик йилларида виждон эркинлигига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу асослар босқичма-босқич мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ҳаётида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг давлат ва дин муносабатлари тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон давлатининг динга бўлган муносабати мустақиллик арафасида ва унинг илк кунларида қабул қилинган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди. Уларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг дунёвий демократик тараққиёт йўлини танлаб олгани, фуқароларнинг динидан қатъи назар қонун олдида тенглиги кафолатланиши билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топди.

Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида 1990 йил 20 июнда қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”да Ўзбекистон ССРнинг Давлат мустақиллиги, жумладан, халқаро ҳуқуқ ва қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократик принципларига асосланиши қайд этилди. Халқаро миқёсда эътироф этилган қоидалар бўйича виждон эркинлиги халқаро ҳуқуқ қоидалари билан тартибга солинади, умумбашарий қадриятлардан бири ҳисобланади, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш демократик принциплар сирасига киради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистон ҳали СССР таркибида бўлган давридаёқ инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда виждон эркинлигини эътироф этиш ва унинг амалдаги ижросини таъминлаш давлат мустақиллигининг муҳим шартларидан бири сифатида кун тартибига кўйилган эди [1, 11 банд].

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти”да “ўтмишдан сабоқ чиқариб”, “шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига... қатъи садоқатини баён этиб”, “миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансубликларида қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб”, “Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ доирасида ҳамма эътироф этган қонун-қоидалар устунлигини тан олади” дейилган эди. “Баёнот”даги ушбу жумлаларда ҳам виждон эркинлигини таъминлашнинг ўтмишдаги ачинарли аҳволи ва мустақил Ўзбекистон Республикасида инсоннинг виждон эркинликлари тўла қафолатланиши ҳақидаги ғоя илгари сурилган эди [2].

“Декларация” ва “Баёнот”да илгари сурилган виждон эркинлигига оид ғоялар 1991 йил 31 августда қабул қилиниб, шу йилнинг сентябр ойида конституциявий қонун мақомини олган **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасининг иккинчи қисмида ўзининг қонуний ифодасини топди: Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари “қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар” [3, 15 модда].**

Юқорида зикр этилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мазмунан бойитилган, ривожлантирилган ҳамда аниқлаштирилган ҳолда ўз аксини топди.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан**, республиканинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга, шу жумладан виждон эркинлигига эгадирлар, улар динидан ва эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар (18-модда); фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари хусусан, виждон эркинлиги ҳам дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда); фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини (виждон эркинликларини ҳам) амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда); “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” (22-модда); “ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди” (31-модда) [4].

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг дунёвий, демократик тараққиёт йўлини танлаб олди. Шу муносабат билан давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабат Конституциянинг 61-моддасига ўз аксини топди: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” [4].

Конституциянинг 57-моддасида динни ниқоб қилиб олиб конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилиш, диний руҳдаги сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланган. Унда қайд этилишича: “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қуювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади [4].

Юқорида қайд этилган конституциявий нормалар мустақиллик йилларида қабул қилинган конституциявий ва жорий қонунларда янада аниқлаштирилди, мазмунан бойитилди ва ривожлантирилди.

Хусусан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда [5] виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқи эркинлиги; фуқаронинг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда мустақиллиги; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлилиги; фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенглиги;

уларнинг динга муносабатига қараб ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш мумкин эмаслиги; ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятлардан озод этилмаслиги, қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилиши; ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги; уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги; диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармаслиги; таълим тизими диндан ажратилганлиги; фуқароларнинг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъминланиши; олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олган бўлиши шартлиги; 18 ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролар диний ташкилотни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Қонун бўйича: дин давлатдан ажратилган; давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатишига кўмаклашади; давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди; диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди; давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Шунингдек, қонунда дин ва диний ташкилотларнинг давлатга бўлган муносабати ҳақидаги қоидалар ҳам ўз аксини топди: диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт; диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда душманлик, нафрат, миллатлараро адоват кўзғатиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда бўхтон ва вазиятни беқарорлаштирувчи уйдурмаларни тарқатишда аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотлар хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди; диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахсни қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

Қонунда диний ташкилотларни ташкил этишдан кўзланган мақсад, уларни ташкил этиш тартиби, турлари, давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятини тугатиш билан боғлиқ қоидаларга катта ўрин ажратилган. Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади; диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва унинг ҳудудида яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади; тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари тузилишига йўл қўйилади; марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида 8 та ҳудудий тузилмасида фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши томонидан тузилади ва юридик шахс мақомига эга бўлади; диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ҳодимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли эканлиги; Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади; диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади; диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади; адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳақли ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади; диний ташкилотнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Қонунга биноан қуйидаги ҳолатларда диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш ва

уларнинг фаолиятини тугатиш мумкин. Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади; диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга; диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши, диний ташкилотнинг фаолияти у ўз-ўзини тарқатиб юборганда ёки ушбу қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Қонунда диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди. Унда қайд этилишича диний ташкилотлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни ҳамда зиёратгоҳларни сақлаб туриш, ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларга эга бўлиш, ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланиш, марказий бошқарув органлари уставидаги мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этиш, марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш ҳамда тарқатиш, хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга ошириш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб бориш ва бошқалар.

Шунингдек, диний ташкилотларга қонун билан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, Адлия вазирлигида ва унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтгандан кейин юридик шахс сифатида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши, диний ўқув юртлирида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозимлиги, марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши кераклиги, фаолияти тугатилгандан кейин диний ташкилотларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулкларни ўз эгаларига қайтариши, фаолияти тугатилган тақдирда кредиторларнинг талабларини қондириши каби мажбуриятлар юклатилган.

Қонун билан виждон эркинлиги диний ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги хатти-ҳаракатлар тақиқланган: фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишига ёки эътиқод этмаслигига; ибодат қилишда диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка; диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга; вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш; шунингдек, уларнинг ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга; рамий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига; диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга; турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга; диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди; бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм); шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти; терроризм, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қўмақлашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар секталар ва бошқаларнинг фаолияти; хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйик ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек,

яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Юқорида ман этилган ва тақиқланган хатти-ҳаракатларни содир қилиш тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши ҳам қонунда алоҳида таъкидланган.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари каби виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар; фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш; душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш; диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш; қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради; прозелитизм ва миссионерлик фаолияти билан шуғулланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар; диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларидан рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш; диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади; виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотлар хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Хуллас, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қатор янги нормаларнинг ўрнатилишига олиб келди. Янги таҳрирдаги қонун виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда асосий ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Албатта, битта қонунда, у ҳар қанча мукамал бўлса ҳам ўта мураккаб, серқирра ва нозик ҳодисалар бўлмиш виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар билан боғлиқ барча муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни қамраб олиши қийин, амалда мумкин ҳам эмас. Шу муносабат билан ушбу соҳаларга оид айрим қоидалар Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонунлари ва қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар; диний эътиқодидан қатъи назар “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу қонунга биноан динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин [6]; Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари дини ва эътиқодидан қатъий назар, диний ташкилотлар қонун ва суд олдида тенгдирлар [7]; Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов барча фуқароларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади [8]; солиқ солиш умумий бўлиб шахснинг диний эътиқоди аҳамият касб этмайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас, шу жумладан диний мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилмайди, диний бирлашмаларнинг, хайрия жамғармаларнинг мулкида бўлган корхоналарнинг фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставида белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтирилладиган ажратмалари суммасига нисбатан солиқ солинадиган фойда камайтирилади ва бошқалар [9]; юридик шахс мақомига эга бўлган диний ташкилотлар рўйхатга олинган вақтдан эътиборан ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Диний ташкилотлар қонунда белгиланган тартибда фаолияти тугатилган вақтдан эътиборан фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини йўқотади. Диний ташкилотлар ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради [10]; диний ташкилотларининг мулкида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин; диний ташкилотлар ўз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қилган ёки давлат томонидан берилган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидир; диний ташкилотлар



Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида бўлган мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин; Ўзбекистон Республикасида хайрия мақсадларида мол-мулк беришга йўл қўйилади, шу жумладан диний ташкилотлар ҳам жисмоний ва юридик шахсларга хайрия мақсадларида мол-мулк бериши мумкин; диний ташкилотлар ихтиёрий суратда молиявий ва бошқа хайр-эҳсон қилишни сўраб мурожаат этишга ва уларни олишга ҳақлидир. Бундай мурожаат республика фуқаролари ва юридик шахсларига қаратилиш мумкин; диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳамма турларига солиқ солинмайди [11]; барча фуқаролар оилавий муносабатларда дини ва эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир, дини ва эътиқодига қараб уларнинг ҳуқуқларини муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшга йўл қўйилмайди; никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас [12]; барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини, жумладан динга бўлган муносабати, эътиқоди ва диний ташкилот аъзолигига, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига (масалан, тақиқланмаган диний адабиётларни ўқишга қизиқиши, диний ибодат қилиши) қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади; Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи кунини ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамнинг биринчи кунини байрам (ишламайдиган) кунлар қаторига киритилган [13]; жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар қонун ҳамда суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади [14]; маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади, улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади, маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга руҳсат этилади, диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим, руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволанаётган беморлар, шу жумладан маҳкумлар диний расм-русумларни адо этиш ҳуқуқига эга [15]; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний эътиқодидан қатъи назар соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар, давлат динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди, шифокорнинг қасамёди матнига биноан шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришаётган ҳар бир шифокор диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-ғайрати ва вақтини аямай тиббий ёрдам кўрсатишга қасамёд қилади [16]; руҳий ҳолатнинг бузилмаслик ташҳиси умум эътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда таснифларга мувофиқ қўйилади ва фуқаронинг жамиятда қабул қилинган диний қадриятларга қўшилмаслигига асосланиши мумкин эмас, психиатрия станционарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган даволанувчилар руҳоний билан ёлғиз учрашишга ҳақли [17]; диний ташкилотлар нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири сифатида санаб ўтилган, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин, нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкин, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорат остида бўлмайди” [18].

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги бўйича виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши; диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш; диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш; диний йиғилишлар,

кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш; ғайриқонуний нодавлат ноижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш; диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Зикр этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бароваридан 150 бараваригача жарима ёки 15 суткагача муддатда маъмурий қамокқа олиш билан жазоланади [19].

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида юқорида зикр этилган диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, диний йиғилишлари, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф тарзда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки тарқатиш шундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин, бир йил ичида ушбу хатти-ҳаракатлар такроран содир этган бўлса; дини, эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш; виждон эркинлигини бузиш; геноцид, яъни диний мансублигига қараб бир гуруҳ шахснинг тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб бошқасига топшириш, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш; диний ташкилотларни қонунга ҳилоф равишда тузиш; жамоат хавсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш; диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш; божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш каби хатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жиноятларни содир этганлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бароваридан 600 бараваригача жарима ёки 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 5 йилгача озодликни чеклаш ё 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш кабилардан бири билан жазоланиши мумкин [20].

Юқоридагиларга яқун ясаб шуни қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни давр талабидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш борасида қизғин ташкилий ва қонун ижодкорлиги ишлари олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси виждон эркинлигини таъминлаш бўйича улкан ишларни амалга оширди.

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормалари билан иштирокчи давлат сифатида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришининг ҳуқуқий базасини яратди; ўзининг Асосий қонунида виждон эркинлиги ҳуқуқини инсоннинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ эканлигини эътироф этди, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди, ушбу ҳуқуқни бузганлик учун ўз қонунчилигида маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилади ва бошқалар.

**Иккинчидан**, Республикада виждон эркинлигини амалга оширишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш учун тегишли шарт-шароит яратилди. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 16 конфессиянинг 2276 та диний ташкилотлари рўйхатга олинган. Улардан 2093 таси исломий ташкилотлар, 183 та ноисломий ташкилотлар.

**Учинчидан**, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, диний ёки эътиқодий расм-русумларни адо этиш, урф-одатларга риоя қилиш, байрамларни нишонлаш учун тегишли шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Жумладан, мустабид шўро тузуми даврида Ўзбекистонда 70 йилда 86 нафардан ортиқ бўлмаган киши ҳаж зиёратини амалга оширган бўлса, ҳозирда йилига 7000 дан

ортиқ киши ҳаж қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Республикада ислом динидан бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг вакиллари ҳар йили хорижга чиқадиган диндорлар учун яратилган барча имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, Исроил, Греция, Россиядаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб келмоқда.

**Тўртинчидан**, республикасида соғлом диний маданият ва маърифат муҳитини шакллантириш ва юксалтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Хусусан, шўро тузуми даврида республикада атиги иккита исломий диний ўқув юрти фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда Тошкент ислом институти, Бухородаги “Мир Араб” олий мадрасаси, Тошкентдаги “Кўкалдош”, Қорақалпоғистондаги “Муҳаммад Беруний”, Намангандаги “Мулла Қирғиз”, Хоразмдаги “Фахриддик ар-Розий”, Андижондаги “Саййид Муҳиддин Махдум”, Қашқадарёдаги “Ҳожа Бухорий” Тошкентдаги “Хадичаи Кубро” ва Бухородаги “Жўйбори Калон” хотин-қизлар ўрта махсус ислом билим юртларидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди. Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида ўқитиш жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ўқув юртларида диний ва дунёвий таълимнинг узвийлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 августдаги 364-сонли Қарорига мувофиқ диний ва дунёвий билимларни олаётганини инобатга олиб, диний ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди ва диплом соҳибларининг давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи кафолатланди. Шунингдек, диний адабиётлар, диний мазмундаги газета ва журналларни чоп этиш, анжуманлар, учрашувлар, давра-сухбатлари ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

**Бешинчидан**, мустақиллик йилларида виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиш учун тегишли ташкилий ва моддий шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Хусусан, истиқлол йилларида 10 мингдан 30 минггача одам сиғдирадиган Калон (Бухоро), Шайх Зайниддин ва Хўжа Ахрор (Тошкент) масжидлар қурилди ёки таъмирланди. Ислом динига эътиқод қиладиган фуқаролар унинг масжидларда эмин-эркин ибодат қилишлари, закот беришлари, Рамазон ойида рўза тутишлари учун тегишли шароитлар яратилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 183 та ноисломий диний ташкилот, шу жумладан православ, католик, лютеран, баптист, тўлиқ Евангелия, адвентист ва бошқа христиан черковлари ҳамда Бухоро ва Европа яҳудийлари баҳойлар, кришнаидлар, буддавийларнинг диний жамоалари мавжуд. Истиқлол йилларида ўнлаб черковлар, синагогалар, ибодатхоналар қурилди ёки таъмирланди. Улар жумласига Тошкентдаги, Самарқанддаги, Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкентдаги католик костели, Самарқанддаги арман апостол черкови, Тошкентдаги буддавийлар ибодатхонаси ва бошқалар киради.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикаси ўзи қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг динлараро ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик тамойилларидан келиб чиқиб ўз ҳудудида нафақат ислом дини, балки бошқа динлар ва конфессияларнинг черковлари, диний жамоалари, жамиятларининг фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш берди. Хусусан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда Рус Православ, Рим-Католик, Евангелия христиан баптистлар, Тўлиқ инжилхристианлар, Еттинчи кун христиан-адвентистлар, Евангелия-лютеранлар, Арманапостоллик, “Иеговгувоҳлари”, “Голос Божий” христиан, Корейс протестант черковлари, Яҳудийлар ва Баҳойлар диний жамоалари, Кришнани англаш жамияти, Будда ибодатхонаси, Ўзбекистон Библия китоб жамияти фаолият кўрсатмоқда.

**Еттинчидан**, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан виждон эркинлигини ҳимоя қилишнинг миллий тизими шаклланди. Бу Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва унинг жойлардаги вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирликларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармалари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва ушбу номдаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ҳарбий ва транспорт прокуратураларининг алоҳида бўлимлари кабилардир.

Юртимизда виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари ва уларнинг амалий натижалари бўйича эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда ушбу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарли эканлигидан кўз юммаслигимиз керак. Бундай муаммолар аҳолимизнинг, айниқса ёшларимизнинг диний саводхонлик даражаси пастлиги, виждон эркинлиги билан боғлиқ

ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини фуқаролар, биринчи навбатда мансабдор шахсларнинг талаб даражасида билмаслиги, диний таълим муассасаларида “Виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари” махсус курсининг ўқитилмаслиги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда виждон эркинлигига оид тушунчаларнинг изоҳи берилмаганлиги, виждон эркинлигига оид қонун ҳужжатлари нормалари мазмун-моҳиятини аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот қилишнинг давр талабига жавоб бермаслиги, соҳага оид муаммолар бўйича чуқур ва кенг қамровли илмий тадқиқот ишларининг амалга оширилмаганлиги, ўқув ва оммавий адабиётларнинг тақчиллиги, ислом динини ниқоб қилиб олган ғараз ниятли ташкилотлар ва ҳаракатларнинг фаоллашганлиги ва бошқалар. Мазкур муаммолар мураккаб ва серкирра бўлиб, уларни бир-икки йилда ҳал қилишнинг имкони йўқ. Шу муносабат билан виждон эркинлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-мърифий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олган, узоқ муддатга мулжалланган “Миллий дастур”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мустақиллик Декларацияси. 20.06.1990 // URL: <https://lex.uz/docs/185391> (Declaration of Independence. 20.06.1990 // URL: <https://lex.uz/docs/185391>)
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти. 31.08.1991. (Statement of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan on State Independence. 31.08.1991)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 31 август, 336-ХII-сон // URL: <https://www.lex.uz/acts/127899> (Law of the Republic of Uzbekistan “On the Foundations of State Independence of the Republic of Uzbekistan”. August 31, 1991, No. 336-XII // URL: <https://www.lex.uz/acts/127899>)
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>)
5. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 1 май, 618-I-сон // URL: <https://www.lex.uz/acts/65108> (Law of the Republic of Uzbekistan “On Freedom of Conscience and Religious Organizations”. May 1, 1998, No. 618-I // URL: <https://www.lex.uz/acts/65108>)
6. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4761984> (Law of the Republic of Uzbekistan on citizenship // URL: <https://lex.uz/docs/4761984>)
7. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. 162-II-сон 14.12.2000 // URL: <https://lex.uz/acts/68532> (Law of the Republic of Uzbekistan “On Courts” // URL: <https://lex.uz/acts/68532>).
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 22.01.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3517337> (Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan. 22.01.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3517337>)
9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 25.12.2007 // URL: <https://lex.uz/docs/1286558> (Tax Code of the Republic of Uzbekistan. 25.12.2007 // URL: <https://lex.uz/docs/1286558>)
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 21.12.1995 // URL: <https://lex.uz/docs/111189> (Civil Code of the Republic of Uzbekistan. 21.12.1995 // URL: <https://lex.uz/docs/111189>)
11. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида Қонуни. 152-XII-сон 31.10.1990 // URL: <https://lex.uz/docs/111466> (Law on Property in the Republic of Uzbekistan. 152-XII-son 31.10.1990 // URL: <https://lex.uz/docs/111466>)
12. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 30.04.1998 // URL: <https://lex.uz/docs/104720> (Family Code of the Republic of Uzbekistan. 30.04.1998 // URL: <https://lex.uz/docs/104720>)
13. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 21.12.1995 // URL: <https://lex.uz/docs/142859> (Labor Code of the Republic of Uzbekistan. 21.12.1995 // URL: <https://lex.uz/docs/142859>)
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. 22.09.1994 // URL: <https://lex.uz/docs/111460>)

uz/docs/111460)

15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 25.04.1997 // URL: <https://www.lex.uz/docs/163629> (Criminal Executive Code of the Republic of Uzbekistan. 25.04.1997 // URL: <https://www.lex.uz/docs/163629>)

16. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 29 август, 265-I-сон // URL: <https://www.lex.uz/acts/26013> (Law of the Republic of Uzbekistan “On Public Health”. August 29, 1996, No. 265-I // URL: <https://www.lex.uz/acts/26013>)

17. “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил 31 август, 123-II-сон // URL: <https://www.lex.uz/acts/27082> (Law of the Republic of Uzbekistan “On Psychiatric Care”. August 31, 2000, No. 123-II // URL: <https://www.lex.uz/acts/27082>)

18. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-76-сон 03.01.2007 // URL: <https://lex.uz/docs/1101278> (The Law of the Republic of Uzbekistan “On guarantees of the activities of non-governmental non-profit organizations”. ORQ-76 No. 03.01.2007 // URL: <https://lex.uz/docs/1101278>)

19. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994 й. 2015-XII-сон // URL: <https://lex.uz/acts/97664> (Code of the Republic of Uzbekistan on Administrative Responsibility. 22.09.1994 y. 2015-XII-son // URL: <https://lex.uz/acts/97664>)

20. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994 // URL: <https://lex.uz/docs/111453> (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. 22.09.1994 // URL: <https://lex.uz/docs/111453>)

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академиясининг мустақил изланувчиси

E-mail: sabirov-erkinjon@rambler.ru

### СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** САБИРОВ Э.К. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б.29–37.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-4>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалалари таҳлил этилган. Бу борадаги тадқиқот ишлари, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба ўрганилиб, суд ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича хулосалар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Суд ҳокимияти, судлар фаолиятининг очиклиги, судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқи, оммавий ахборот воситалари, миллий қонунчилик, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

Самостоятельный соискатель Академии

Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

E-mail: sabirov-erkinjon@rambler.ru

### ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОЗРАЧНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДОВ

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы сотрудничества средств массовой информации в обеспечении прозрачности деятельности судов. Были изучены исследования в этой области, национальное законодательство и зарубежный опыт, выработаны выводы о развитии сотрудничества между судебной властью и СМИ.

**Ключевые слова:** Судебная система, прозрачность судебной системы, обеспечение прозрачности судебной системы, право на информацию, СМИ, национальное законодательство, зарубежный опыт, совершенствование.

SABIROV Erkin

Academy of the General Prosecutor's Office  
of the Republic of Uzbekistan, independent researcher  
E-mail: sabirov-erkinjon@rambler.ru

## MASS MEDIA COOPERATION IN TRANSPARENCY OF THE COURT

### ANNOTATION

The article analyzes the issues of cooperation of the media in ensuring the transparency of the courts. Research in this area, national legislation and foreign experience were studied, conclusions were drawn on the development of cooperation between the judiciary and the media.

**Keywords:** Judicial system, transparency of the judicial system, ensuring transparency of the judicial system, the right to information, media, national legislation, foreign experience, improvement

Жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида маълумот олишга бўлган ҳуқуқларни таъминлашга нисбатан юқори талабларнинг кўйилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим бўлган омиллардан ҳисобланади. Бу борада давлат идоралари, хусусан, судлар фаолиятига доир ахборотлардан бохабар бўлиш айниқса муҳим ҳисобланади. Дарҳақиқат, аҳолининг судларга ишониш даражаси суд ҳокимияти фаолиятига оид ахборотларнинг очиклигига бевосита боғлиқдир.

2020 йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда ОАВ деб юритилади) вакиллари билан бўлиб ўтган давра суҳбатида мамлакатимиз Олий судининг раиси К.Комилов суд органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ОАВ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим ўрин тутишини, бугунги кунда мамлакатимизда 607 та суд фаолият кўрсатаётганлигини, кейинги даврда судлар ихтисослашганлигини, эндиликда жиноят, фуқаролик судлари билан бир қаторда маъмурий ва иқтисодий судлар иш олиб бораётганлигини, бугун суд эшиклари ҳамма учун очиклигини таъкидлаб, фақат қонун талабларини бузмасдан суд ишига ҳалақит берилмаса бўлди, деган фикрни илғари сурди [1].

Профессор Ш.Ш.Шорахметов ҳам ўз асарларида судларда ошкора кўрилган ишларнинг ОАВ орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг халқ назоратига олинишини таъминлаши ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини баён этади [2, Б.36]. Бошқа юридик адабиётларда ҳам фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида барча шахсларнинг, шу жумладан ОАВ вакиллариининг ҳам иштирок этиши ошкоралик принципининг ажралмас қисми эканлиги назарда тутилган [3, Б.47].

Ҳуқуқшунос олим С.В.Потапенконинг фикрича, ОАВдан судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш ва уларни эълон қилиш ҳамда Интернет тармоғига судга оид маълумотларни жойлаштириш судлар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва эга бўлишнинг замонавий воситалари ҳисобланади [4, Б.24-30]. Хорижлик мутахассислар ҳам ўз мақолаларида суд тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи бошқа воситалар қаторида ОАВнинг роли муҳимлигини, улар кўпинча суд ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги “кўприк” бўлиб хизмат қилишини билдиради [5]. Дарҳақиқат, судлар фаолиятининг очиклиги орқали суд ишлари материалларини ОАВ, хусусан газета, журналларда чоп этиш, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш, ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакиллариининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш имконияти яратилади. Суд мажлисида ОАВнинг иштироки орқали суд ишларини кўришда жамоатчилик назоратини амалга оширилиши таъминланади.

Суд ҳокимияти обрўсини шакллантиришнинг энг муҳим механизмларидан бири ОАВ ва улар билан суднинг ҳамкорлиги ҳисобланса-да, бироқ суд фаолияти тўғрисида ахборот олиш тизими ҳозирги кунда зарур талабларга тўлиқ жавоб беради, десак муболаға бўлади. Тўғри, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судлар фаолиятининг очиклигини ошириш назарда тутилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони билан судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиши ва Кенгашнинг асосий вазифалари этиб ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш белгиланди [6].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончн ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармонида суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар сифатида судларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги, бу эса суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги таъкидланиб, суд ҳокимиятининг очиклигини оширишнинг муҳим шакллари қаторида судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва ОАВни хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш белгиланди [7]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6034-сон Фармони билан эса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши назарда тутилди [8].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг ахборот сиёсатини амалга оширишда Олий суди тузилмасида ташкил этиладиган Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари муҳим ўрин тутди. Зеро, судларнинг обрўсини мустаҳкамлаш ва аҳоли ўртасида суд ҳокимиятига бўлган ишончни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши асосий вазифаси ҳисобланган мазкур бошқарма ва матбуот хизматлари томонидан амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар суд ҳокимиятининг ахборот сиёсатининг моҳиятини белгилаб беради. Адабиётларда ҳам ахборот хизматларининг судларнинг обрўсини мустаҳкамлаш ва аҳоли ўртасида суд ҳокимиятига бўлган ишончни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишидаги аҳамияти алоҳида эътироф этилади [9, Б.7].

Судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида ОАВ вакиллари иштироки билан боғлиқ масалалар юзасидан судларга тушунтириш беришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қарорнинг 6-бандида суд муҳокамаси ошқоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, ОАВ вакилларида суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланиши, ОАВ вакиллариининг очик суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инobatга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги юзасидан тушунтириш берилди [10].

Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси Нодира Бобохонова мазкур Пленум қарорининг айнан ОАВ вакиллариининг суд муҳокамасидаги иштироки ҳақида тўхталиб, очик суд мажлисини процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар қатнашишини истисно этадиган биноларда ўтказиш мумкин эмаслигини, ОАВ вакиллариининг очик суд мажлисида маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши қонуний йўл эканини инobatга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини таъкидлаган [11]. Шунингдек, қуйи суд судьялари ҳам ушбу Пленум қароридаги нормаларга муносабат билдириб, судларда уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишни таъминловчи қонунга зид бўлмаган ва судьялар мустақиллиги принципини бузмайдиган бошқа усуллардан, хусусан, фуқароларни, жамоатчилик вакиллариини қабул қилиш, брифинг, интервью, матбуот конференцияларини ўтказиш, ОАВ ва аҳоли олдида чиқишлар қилиш, пресс-релизлар тарқатиш ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашди [11].



Шунингдек, адабиётларда журналист суд процесси билан ҳамоҳанг тарзда қайдларни амалга оширишга улгурмаслиги оқибатида маълумотларни тўлиқ ёзиб олмай нотўғри хабар тарқатиб қўйиши мумкинлиги, аудиоёзув ёрдамида материал тайёрлаш осон ва қулай бўлиши сабабли очиқ суд процессида аудиоёзувни амалга оширишга эркинлик бериш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади [12].

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасида ҳам жамиятни суд фаолияти тўғрисида холис, ишончли ва тезкор хабардор қилиш мақсадида судья ОАВ вакиллари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда суд ишларини ОАВда профессионал даражада ёритишга кўмак бериши зарурлиги, чунки бу нафақат фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга ва судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, одил судлов нуфузини оширишга, балки ОАВга ҳам муҳим ижтимоий вазифанинг бажарилишига, яъни фуқароларни барча ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли воқеалардан хабардор этишга хизмат қилиши белгиланган [13].

Судларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирларнинг амалга оширилаётганлигини ижобий баҳолаган ҳолда бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида судларнинг ОАВ билан ҳамкорлик масалаларини янада юқори даражага олиб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш тақозо этилади.

Ундан ташқари, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, масалан, суд фаолияти тўғрисида ОАВ орқали барча маълумот ва ахборотларнинг бериб борилиши маълум даражада айрим гуруҳлар ёки алоҳида шахсларнинг манфаатларига боғлиқ бўлиб, судлар ўз фаолиятлари тўғрисида маълумотлар бериш имкониятини чеклайди. Бунинг натижасида баъзи бир ОАВнинг носоғлом ва ғайриинсоний баёнлари суд ҳокимиятининг обрўсига жиддий путур етказди. Шунинг учун ОАВ вакиллари билан судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш билан бир қаторда ОАВ эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслик, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатишни олдини олиш масалаларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Судлар мустақиллигининг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари борасида тадиқот олиб борган ҳуқуқшунос олим Е.В.Дубровиннинг фикрича, судьяларнинг ташқи мустақиллигини таъминлашда ҳозирги кунда долзарб бўлган масалалардан бири судлар ва ОАВ ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади [14, Б.7].

Судларнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадиқотлар, шунингдек, судларнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш натижалари ушбу соҳада қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

**Биринчидан**, судлар ва ОАВ ўртасидаги муносабатлар етарли даражада қонуний тартибга солинмаган. Бошқача айтганда, журналистларнинг суд қарорларида келтирилган маълумотлардан фойдаланиш тартиби норматив ҳужжатлар билан тўлиқ тартибга солинмаган. Юридик адабиётларда ҳам бу ҳолат ҳар икки томоннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ноаниқ ва зиддиятли тарзда изоҳлаш имкониятини бериши ҳақида фикрлар илгари сурилади [15].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш; журналист текшируви ўтказиш; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиш; маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш; судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш каби ҳуқуқлардан фойдаланади [16]. Кўриб турганимиздек, Қонунда журналистлар билан судья ва унинг юритувида бўлган ишлар ҳақида мулоқот қилиш борасида ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ бошқа томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунни 69-моддасига мувофиқ, судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас [17]. Бу эса судья билан ОАВ вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги борасидаги аксарият масала

судьянинг ихтиёрида қолишини кўрсатади.

Юқоридаги қонун нормаларидаги ўзаро номувофикликлар бартараф этилиши баробарида қонун чиқарувчи томонидан суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалга оширилишини белгиловчи тартибнинг ишлаб чиқилиши долзарб аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, ОАВ билан судлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли равишда олиб борилиши муҳим. Таҳлиллар бу фаолият олдиндан режалаштирилмаслигини, бу борада медиа режалаштириш тизимли равишда йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади. Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси, Қонуннинг 38-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг раиси бир ойда камида бир марта жойларда судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб бориши белгиланган. Бироқ, ушбу норма ОАВ билан судлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар медиа-режалаштириш асосида тизимли равишда йўлга қўйилганлигини аниқлатмайди.

Шунингдек, судлар ва судьяларнинг ОАВда ўз фаолиятини ёритишга қаратилган манфаатдорлигини ошириш, ошқораликни ноқонуний ва асосиз чеклашлар, суд мажлисларида журналистларнинг иштирок этишини тақиқлаш тўғрисидаги қуйи суд қарорларига юқори судларнинг эътиборини оширишга қаратилган яхлит ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқиш вақти келди.

**Учинчидан**, судлар ОАВ билан ишлайдиган мутахассислар - матбуот котиблари билан етарли даражада таъминланмаган ҳамда суд тизимида ишлаш учун матбуот котибларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш амалиёти мавжуд эмас. Ўз навбатида мазкур муаммонинг ечими сифатида юридик адабиётларда ҳам айрим ҳуқуқшунос олимлар юридик ва журналистлик олий ўқув юртлари ёки малака ошириш муассасаларида “Ахборот ҳуқуқи” махсус курсини ўқитиш вақти келганлигини таъкидлайдилар [9, Б.11].

**Тўртинчидан**, суд ҳокимиятининг фаолиятини ёритаётган аксарият журналистлар юридик маълумотга эга эмас. Улар суднинг ўзига хос хусусиятларини, маълумотлардан фойдаланиш қоидаларини ва ҳоказоларни тўлиқ билишмайди.

Ўз навбатида, юқорида қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилмаслиги суд билан ОАВ вакиллари ўртасида тизимли равишда ўзаро тушунмовчиликларга ҳамда судлар ва фуқаролик жамияти институтлари бир-бирларидан узоқлашишига олиб келади. Шунингдек, судда кўриб чиқиладиган ишлар тўғрисида тезкор маълумотларни тақдим этиш механизмнинг йўқлиги суд тизими фаолиятининг шаффофлигини шубҳа остига олиб келади. Ёки суд ҳамжамияти аъзолари, мутахассисларидан суд ишига оид ёки суд фаолиятига доир масала юзасидан зарур ваколатли шарҳларни ололмаган журналист мазкур масалалар юзасидан ўзининг “изоҳларини” беришга, норасмий манбаларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Юқорида суд фаолияти тўғрисида ОАВ орқали барча маълумот ва ахборотларнинг бериб борилиши маълум даражада айрим гуруҳлар ёки алоҳида шахсларнинг манфаатлари хизмат қилиши, бу эса миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирдик. Шунингдек, баъзи бир ОАВнинг носоғлом ва ғайриинсоний баёнлари суд ҳокимиятининг обрўсига жиддий путур етказди.

Юридик адабиётларда ОАВнинг маълум маънода ахборотга ва шунингдек миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган омиллари ҳақида фикр билдирилиб, улар қуйидагиларда намоён бўлиши кўрсатилади:

шахсий ҳаётга, шу жумладан шахсий ва оилавий сирларга дахл қилиши, инсон табиий ҳуқуқларининг бузилиши учун имкон яратиш;

жамоат фикрини сиёсий манипуляция қилиш (ҳукмронлик қилиш ва иродани бостириш);

ОАВ ва унинг тизимини монополлаштириш;

“ахборот уруши”нинг пайдо бўлиши сабаб бўлувчи сиёсий ва иқтисодий манфаатлар курашини келтириб чиқариш [5].

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган таҳдидларга қарши курашиш, судлар ва ОАВ ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликка ҳалақит қиладиган муаммоларнинг пайдо бўлишини олдини олиш ва уларни ҳал этиш, шунингдек суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг

самарадорлигини ошириш учун ўзаро ҳамкорлик қуйидаги тамойилларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

1. Муносабатлар ўзаро ишончга асосланган бўлиши керак, яъни ОАВда бериладиган маълумотлар тўғри ва очиқ тақдим этилиши назарда тутилади.

2. Томонларнинг ўзаро жавобгарлиги. Бунда ОАВга тақдим этилган маълумотлар, уларнинг мазмуни ва таркибини бузмасдан тезкорлик билан эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

3. Ўзаро манфаатдорлик. ОАВ вакиллари турли шов-шувли маълумотларнинг ортидан қувмасликлари, ўз нашрларига мунтазам равишда суд фаолиятига доир ишончли ва муҳим янгиликлар, ахборот материалларини бериб боришлари талаб этилади.

4. Жамоатчилик манфаати. ОАВ учун суд фаолиятига оид хабарлар ва материалларни чоп этиш учун материал танлашнинг мезони ташкилот ёки ОАВнинг қизиқиши эмас, балки жамоатчиликнинг манфаати бўлиши керак.

5. Ахлоққоидаларига риоя этиш. ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида ахлоқ (этика) қоидаларига риоя қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу муносабатлар журналистлар ҳамжамиятининг профессионал анъаналари, шунингдек жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар ва суд ҳамжамиятининг ахлоқий қоидалари таъсирида шаклланади.

6. Шаффофлик. Суд қарорлари ва суд фаолияти билан боғлиқ маълумотлар (қонуний чекловлар билан боғлиқ ишлар бундан мустасно) тезкор равишда матбуотга етказилиши, судлар тегишли қонунчилик ва норматив ҳужжатларга амал қилган ҳолда журналистлар билан мулоқотда очиқ бўлишлари керак.

7. Объективлик. ОАВ суд фаолиятини энг ишончли, объектив ёритишга интилиши, ўз шарҳлари ва таҳлилларида ахлоқий ва профессионал чегараларни кесиб ўтмаслиги керак.

8. Технологик имконият. Суднинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида ташкил этиладиган матбуот хизматлари журналистларнинг суд фаолиятига оид маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган технологик имконият ва кадрлар базасига эга бўлиши керак. Бинобарин, суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш юқорида баён этилган принципларга асосланиши ва бир-бирига боғлиқ бўлган бир қатор тадбирларни қамраб олиши лозим.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида ташкил этилиши белгиланган Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматлари суд тизимида ахборот оқимларини самарали бошқаришлари учун юриспруденция ва журналистика соҳасида билимга эга бўлган профессионал мутахассисларга, яъни матбуот котибига эга бўлишлари талаб этилади.

Шундай қилиб, матбуот котиби фаолиятининг асосий йўналишларисуд фаолиятини ОАВ билан ўзаро муносабатлар бўйича режалаштириш; суд фаолияти тўғрисида ОАВ ва жамоатчиликни хабардор қилиш (журналистларга суд қарорлари ва тегишли эксперт шарҳлари билан таъминлаш); потенциал матбуот қизиқишлари учун ОАВ ва суд қарорларини мониторинг қилиш; журналистлар учун махсус тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш; суд фаолиятини ОАВда тушунтириш ва тарғиб қилиш; матбуотдаги нашрларга тезкор жавоб бериш; расмий веб-сайтни ахборот билан таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, судьялар ва суд ходимлари, ОАВ ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиладиган матбуот котиби журналистика соҳасидаги ихтисослашган билимларга эга бўлиши ва ҳукукийтусдаги, айниқса, судлар фаолиятини белгилайдиган масалаларда ҳар икки томоннинг самарали ишлаши учун кенг қўламдаги кўникмаларга эга бўлиши керак. Суд тизимига ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилиш суд ҳокимиятининг ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда керакли натижага эришишга имкон беради.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида ОАВ билан ҳамкорликни кучайтиришнинг муҳим воситаларидан бири – ахборот фаолиятини медиа-режалаштиришдир. Ахборот фаолиятини медиа-режалаштиришни ОАВ билан ўзаро алоқа қилиш амалиётига жорий этиш тавсия этилади. Бу ўз навбатида судларга ОАВ билан доимий алоқаларни ўрнатишга имкон беради ва суд фаолиятини режалаштиришнинг ажралмас қисмига айланади. ОАВ билан ўзаро алоқаларни медиа-харитасини яратишдан бошлаш керак. Медиа-харитада ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган ва суд фаолияти тўғрисидаги ахборот материалларини жойлаштириш учун қизиқиш билдирган оммавий ахборот воситаларининг тўлиқ маълумотлар базаси киритилиш лозим.

Айрим хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерациясининг 2008 йил 22 декабрда қабул қилинган “Фуқаролар ва ташкилотларнинг Россия Федерацияси умумий юрисдикция судлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олиш қандай усуллар орқали таъминланиши батафсил баён этилган. Унга кўра, судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олишдаги муҳим усуллардан бири - судлар тўғрисидаги ахборотни ва суд ҳужжатларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш (чоп этиш) ҳамда Интернет тармоғида судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳисобланади [19].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

**Биринчидан**, қонун чиқарувчи томонидан суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг амалга оширилишини белгиловчи тартибнинг ишлаб чиқилмаганлиги, судлар ва ОАВнинг ўзаро муносабатлари жараёнида зиддиятли вазиятларнинг пайдо бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

**Иккинчидан**, судларнинг ОАВ билан ўзаро алоқалари векторидаги ўзгаришлар, суд амалиётининг ижобий мисолларини акс эттириш, суднинг мантигини ва унинг қарорларини жамоатчиликка тушунарли қилиш учун биргаликда ишлаш суд фаолияти масалаларини янада ҳолис ва малакали ОАВда ёритишда муҳим қадамдир. Шу билан бирга, конструктив мулоқот модели судлар ва ОАВ таҳририятлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатишда энг самарали ҳисобланади.

**Учинчидан**, “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва ушбу қонунда судларнинг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам алоҳида бўлимда баён этилиши лозим. Мазкур бўлимда судлар, суд ҳамжамияти органлари билан ОАВ таҳририяти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсад ва шаклларига доир нормалар белгиланиши таклиф қилинади. Унга кўра, судларнинг ОАВ таҳририятлари билан ўзаро муносабатлари фойдаланувчиларни судлар тўғрисида ҳолис, ишончли ва тезкор равишда хабардор қилиш мақсадида амалга оширилади.

Судларнинг ОАВ таҳририяти билан ўзаро муносабатлари ОАВ таҳририяти вакиллари билан судлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган суд биноларига кириши, шунингдек уларнинг очик суд мажлисларида иштирок этиши; суд органлари жамоаси мажлисларида ОАВ таҳририяти вакиллари билан ўзаро муносабатлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда ҳозир бўлиши; ОАВ таҳририятларининг талабига биноан судлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш; судлар фаолиятини, шу жумладан ўзаро фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини ахборот орқали ёритиш; судлар, суд ҳамжамияти органлари вакиллари билан ОАВ таҳририяти вакиллари иштирокидаги матбуот анжуманлари ва бошқа қўшма тадбирларда иштирок этиш; судларда, суд ҳамжамияти органларида ОАВ таҳририяти вакиллари билан аккредитация қилиш; фойдаланувчиларга судлар фаолияти тўғрисида маълумот берадиган ўзаро муносабатларнинг бошқа шакллари билан иборат бўлиши мумкин.

**Тўртинчидан**, ОАВ билан судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик борасида муаммоларнинг мавжудлиги суд-ҳуқуқ ислохотларини ахборот билан таъминлашнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисида гапиришга имкон беради.

Бунинг учун судлар ва судьяларнинг ОАВда ўз фаолиятини ёритишга қаратилган манфаатдорлигини ошириш, ошқораликни ноқонуний ва асоссиз чеклашлар, суд мажлисларида журналистларнинг иштирок этишини тақиқлаш тўғрисидаги қуйи суд қарорларига юқори судларнинг эътиборини оширишга қаратилган яхлит ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи махсус концепцияси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

### Иқтибослар/Сноски /References

1. Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик судларда очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. 02.09.2019 // URL: <http://sud.uz/оммавий-ахборот-воситалари-билан-ўза/> (Interaction with the media serves to ensure openness and transparency in the courts. 02.09.2019 // URL: <http://sud.uz/> оммавий-ахборот-воситалари-билан-ўза/)

2. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. – (Shoraxmetov Sh. Civil procedural law of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Justice. 2001)

3. Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. (Civil procedural law: Textbook / S.A. Alekhina, V.V. Blazheev and others; Ed. M.S.Shakaryan. –М.: ТК Welby, Prospect Publishing House, 2004)

4. Потапенко С.В. Значение открытости и гласности судопроизводства для повышения уровня доверия к судебной власти // Актуальные проблемы развития гражданского законодательства на современном этапе.: Сб. научн. ст. по материалам Всерос. науч.-практ. конф., 28 февраля 2014 г. / ред. кол.: А.В. Герасимов и др. – Краснодар, 2014. (Potapenko S.V. The value of openness and publicity of legal proceedings to increase the level of confidence in the judiciary // Actual problems of the development of civil legislation at the present stage. scientific. Art. based on materials from Vseros. scientific-practical Conf., 28 February 2014 / ed. count.: A.V. Gerasimov et al. – Krasnodar, 2014)
5. Касимов А.А., Бектурова Г.Н., Кабиева Р.М. Взаимодействие судебной системы и средств массовой информации // URL: <https://sud.gov.kz/rus/content/vzaimodeystvie-sudebnoy-sistemy-i-smi> (Kasimov A.A., Bekturova G.N., Kabieva R.M. Interaction between the judicial system and the media // URL: <https://sud.gov.kz/rus/content/vzaimodeystvie-sudebnoy-sistemy-i-smi>).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3121087> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 21, 2017 No PF-4966 “On measures to radically improve the structure and efficiency of the judicial system of the Republic of Uzbekistan” // URL: <https://lex.uz/docs/3121087>)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончн ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3822463> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 13, 2018 No 5482 “On measures to further improve the judicial system and increase confidence in the judiciary” // URL: <https://lex.uz/docs/3822463>)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4910826> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 24, 2020 No PF-6034 “On additional measures to further improve the activities of courts and increase the efficiency of justice” // URL: <https://lex.uz/docs/4910826>)
9. Орлова Ю.О. Средства массовой информации в деятельности по формированию авторитета судебной власти // Дисс. канд. полит. наук. –М., 2004. – 157 с. (Orlova Yu.O. Mass media in the activity of forming the authority of the judiciary // Diss. Cand. polit. sciences. – M., 2004. –157 p)
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4751577> (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 04 of February 21, 2020 “On ensuring the transparency of court proceedings and the right to information on the activities of courts” // URL: <https://lex.uz/docs/4751577>)
11. Шодиева Г. Кун тартибида суд муҳокамаси ошкоралиги. 22.02.2020 // URL: <https://pv.uz/uz/news/kun-tartibida-sud-muokamasi-oshkoraligi> (Shodiyeva G. Transparency of court proceedings on the agenda // URL: <https://pv.uz/uz/news/kun-tartibida-sud-muokamasi-oshkoraligi>).
12. Очилова М. Судлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги // URL: <http://sud.uz/sudlar-va-ommaviy-axborot-vositalarining-hamkorligi> (Ochilova M. Cooperation between courts and mass media // URL: <http://sud.uz/sudlar-va-ommaviy-axborot-vositalarining-hamkorligi>).
13. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси // URL: <http://sud.uz/судьялар-одоб-ахлоқ-кодекси> (Code of Ethics of Judges approved by the Resolution of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan No. SOKQ-490-III dated January 29, 2018).
14. Дубровин Е.В. Судейская независимость и ее организационно-правовые гарантии // Автореф. дис. канд. юрид. наук. –Минск, 2009. (E.V.Dubrovin. Judicial independence and its organizational and legal guarantees // Author. dis. Cand. jurid. sciences. –Minsk, 2009)
15. Савина Т.А. Проблемы взаимодействия судебной власти со средствами массовой информации URL: <http://www.ieml.ru/economproblem/2008/3/11.html>. (Savina T.A. Problems of the

interaction of the judiciary with mass media centers// URL: <http://www.ieml.ru/economproblem/2008/3/11.html>)

16. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 402-І-сон 24.04.1997 // URL: <https://lex.uz/docs/9540> (Law of the Republic of Uzbekistan “On protection of journalistic activity” // URL: <https://lex.uz/docs/9540>)

17. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. 162-ІІ-сон 14.12.2000 // URL: <https://lex.uz/acts/68532> (Law of the Republic of Uzbekistan “On Courts” // URL: <https://lex.uz/acts/68532>).

18. Федеральный закон Российской Федерации от 22 декабря 2008 г. N 262-ФЗ «Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации» // URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_82839/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82839/) (Federal Law of the Russian Federation of December 22, 2008 N 262-FZ “On providing access to information on the activities of courts in the Russian Federation” // URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_82839/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82839/)).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш  
кафедраси бошлиғининг ўринбосари,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: [Jahangir89@inbox.uz](mailto:Jahangir89@inbox.uz)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЮЛДАШЕВ Дж.Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 38–43.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-5>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада боланинг фуқароликка доир ҳуқуқларини кафолатлашнинг миллий механизмлари, хусусан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунида мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар тадқиқ этилган. Халқаро стандартлар ва МДҲ давлатлари қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** бола, фуқаролик, фуқаросизлик, фуқароликни олиш, ота-оналик ҳуқуқи, фарзандликка олиш, васийлик, хомийлик, фуқароликни танлаш, фуқароликни сақлаб қолиш, чет эл фуқароси, фуқаролиги йўқ шахс.

**ЮЛДАШЕВ Джахангир Хайитович**

Заместитель заведующего кафедрой «Общественный порядок и безопасность» Академии  
Министерства внутренних дел Республики Узбекистан,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
E-mail: [Jahangir89@inbox.uz](mailto:Jahangir89@inbox.uz)

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ, РЕГУЛИРУЮЩИХ ВОПРОСЫ ГРАЖДАНСТВА РЕБЕНКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются национальные механизмы обеспечения прав ребенка на гражданство, в частности, коллизии и правовые пробелы существующие в Законе «О гражданстве Республики Узбекистан». Даны предложения и рекомендации по их устранению на основе международных стандартов и сравнительно-правового анализа законодательства стран СНГ.

**Ключевые слова:** ребенок, гражданство, безгражданство, приобретение гражданства, родительские права, усыновление, опека, попечительство, выбор гражданства, сохранение гражданства, иностранный гражданин, лицо без гражданства.

**YULDASHEV Jakhangir**

Deputy head of the department of Public order and security of the Academy of ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan,  
doctor of philosophy in law (PhD)  
E-mail: [Jahangir89@inbox.uz](mailto:Jahangir89@inbox.uz)

## IMPROVEMENT OF LEGAL MECHANISMS REGULATING ISSUES RELATED TO THE CITIZENSHIP OF A CHILD IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article examines the national mechanisms for ensuring the rights of the child to citizenship, in particular, existing conflicts and legal gaps in the Law “On Citizenship of the Republic of Uzbekistan”. On the basis of international standards and comparative-legal analysis of the legislation of the CIS countries, proposals and recommendations were made to eliminate them.

**Keywords:** child, citizenship, statelessness, acquisition of citizenship, parental rights, adoption, guardianship, choice of citizenship, retention of citizenship, foreign citizen, stateless person.

Бугунги кунда фуқароликка доир бола ҳуқуқларини кафолатлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда. Одатда боланинг фуқаролиги билан боғлиқ масалалар ҳар қайси давлатда ўзининг фуқаролик тўғрисидаги умумий қонуни ёки конституциявий нормалари даражасида белгилаб қўйилсада, уларда назарда тутилган қоидаларнинг асоси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур қоидалар халқаро стандартларда белгиланган умум эътироф этилган принципларга нисбатан коллизияни юзага келтирмаслиги лозим. Халқаро ҳуқуқнинг бундай нормаларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси (1959 йил 20 ноябрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабрь), «Фарзандликка олинган болалар тўғрисида»ги Европа конвенцияси (1967 йил 24 апрель), «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция (1989 йил 20 ноябрь) ва бошқа стандартларни киритиш мумкин.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги (1989 йил 20 ноябрь) конвенция [1] вояга етмаганларнинг фуқароликка доир табиий ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат айниқса, фуқаросизликни қисқартиришга қаратилган халқаро ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг кафолати билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда аҳамиятлидир. Жумладан, унинг 7-моддасида боланинг туғилган вақтдан бошлаб рўйхатга олиниш ва фуқаролик олиш; 8-моддасида ўз фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эканлиги, иштирокчи давлатлар эса, бу борадаги ўз мажбуриятларини бажаришлари шартлиги қайд этилган [2].

Илмий тадқиқотларда келтирилишича, *боланинг фуқаролиги* деганда – фуқаролик институтининг муҳим таркибий қисми сифатида халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатларнинг ички қонунчилигида мустаҳкамланган, унинг туғилган вақтидан бошлаб, вояга етгунига қадар муддатда фуқароликка бўлган ҳуқуқи ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тушунилади [3, Б.7].

Бу ижтимоий муносабатлар қуйидаги ҳолларда боланинг фуқаролигига доир бўлган ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни кўришни талаб этади:

- боланинг ота-онаси турли фуқароликка эга бўлган ҳолларда;
- боланинг ота-онаси ноъмалум ёки фуқаролиги йўқ шахслар бўлса;
- боланинг ота-онаси ёки улардан бирининг фуқаролиги ўзгарса;
- бола ота-онасининг фуқаролиги бўлган давлатдан ташқарида туғилган бўлса;



бола фарзандликка олинганда, унга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик тайинганда;  
болага нисбатан оталик (оналик) тан олинганда ёки белгиланганда;  
бола икки фуқароликка эга бўлса ёки фуқаролиги йўқ шахс мақоми остида қолиш хавфи мавжуд бўлса.

Шундай экан, бу борадаги миллий қонунчилигимиз нормаларини таҳлил этиш, уларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили бу борада Ўзбекистон томонидан ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (13.03.2020) Қонуннинг 14-моддасида туғилганлик бўйича фуқаролик олиш асослари назарда тутилган бўлиб, унинг 5-қисмида отаси ёки онаси Ўзбекистон фуқароси бўлган болага оталик ёхуд оналик белгиланган ёки тан олинган тақдирда, боланинг туғилган жойидан қатъий назар фуқаролик олиши қайд этилган бўлса-да, онаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган болага оталик белгиланиб, унинг (отанинг) Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги (қонуннинг 6-моддаси тартибида) тан олинган ҳолларда, 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги қай тартибда ҳал этилиши мумкинлиги аниқлаштириб қўйилмаган.

Бу эса *бир томондан*, бундай тоифадаги болаларнинг мақомини белгилаш ва уларни шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан таъминлашда муаммоларни юзага келтирса; *бошқа тарафдан*, давлатнинг фуқаросизликни қискартириш борасидаги сиёсатига салбий таъсир кўрсатади. *Учинчидан* эса, боланинг фуқаролиги йўқ шахс мақоми остида қолиш хавфини юзага келтириб, бундай тоифа шахслар кўрсаткичининг ортишига сабаб бўлади.

Таҳлил этилаётган нормадаги камчилик юзасидан МДХ давлатлари қонунчилигида бир қатор илғор ҳуқуқий механизмлар мавжуд бўлиб, фикримизча, бу ўринда уларнинг аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, Грузия (12-модда 3-қисми) [4] Қозоғистон (12-модда 4-қисми) [5], Тожикистон (13-модда 5-қисми) [6], Туркменистон (11-модда 2-қисми) [7] ва Украина (15-модда 1, 2, 3-қисмлари) [8] қонунларида онаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган болага оталик белгиланиб, унинг фуқаро эканлиги тан олинган ҳолларда, 14 ёшга тўлмаган боланинг ҳам фуқаро деб эътироф этилиши лозимлиги қайд этилган.

Фикримизча, мазкур илғор нормалар асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида боланинг алоҳида ғамхўрлик ва махсус ҳимоя ҳуқуқига эга эканлиги белгиланганини инобатга олган ҳолда, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) Қонуннинг 14-моддасини қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш лозим бўлади:

*«Онаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган болага оталик белгиланиб ёки тан олиниб, ота Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ҳолларда, 14 ёшга тўлмаган бола туғилган жойидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. Бола чет элда доимий яшаган ҳолларда унинг фуқаролиги ота-онасининг ёзма келишувига асосан аниқлаштирилади. Бундай келишувга эришиш имкони бўлмаганда фуқаролик масаласи суд тартибида ҳал этилади».*

*Фарзандликка олиш институти*—ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашнинг муҳим шакли бўлиб, таҳлиллар боланинг фарзандликка олиниш ҳолатларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги сақлаб қолишини белгиловчи миллий қонунчилик нормалари ҳам мавҳум хусусиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Чунончи, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (13.03.2020) Қонуннинг 17-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, Ўзбекистонда фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши»умумий асосларда қайд этилган ҳолда, фақатгина бири Ўзбекистон, бошқаси эса, чет эл фуқароси бўлган ота-она томонидан фарзандликка олинаётган боланинг фуқаролиги уларнинг ўзаро ёзма келишувига кўра ўзгариши мумкинлиги белгиланган.

Қоида тариқасида, агарда бола мамлакатда доимий яшаш ниятини билдирса ёки ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқароси бўлиб қолсагина унинг Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолишини белгилашга доир қатъий қоидани ўрнатиш мумкин.

Чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олиниш ҳолатларида, боланинг Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолиши муайян (масалан, 18 ёшга тўлгунга қадар ёки мамлакатда доимий яшаса деган) шартлар асосида унга кейинчалик танлаш ҳуқуқини берадиган асосларни қолдирган ҳолда бўлиши лозим. Акс ҳолда, бу ҳолат унинг фуқароликни танлашга доир табиий ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлади.

МДХ давлатлари қонунчилигида ўрганилаётган масала юзасидан айрим илғор нормаларни кузатиш мумкин. Чунончи, Қозоғистон (27-модда 2-қисми) [5] ва Арманистон (19-модда 1-қисми) [9] қонунларида чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган боланинг фуқаролиги вояга етгунига қадар сақлаб қолиниши ҳамда кейинчалик ўз ихтиёри билангина фуқароликдан чиқишига рухсат берилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу асосда фикримизча, 17-моддага чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган, хорижда доимий яшовчи боланинг фуқароликдан чиқишига у вояга етганидан кейингина ва ўз ихтиёри билан йўл қўйилишини назарда тутувчи учинчи қисмни киритиш ҳамда қонунни «Фуқароликни танлаш ҳуқуқи» деб номланган қуйидаги мазмундаги янги 17-1-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

*«17-1-модда. Фуқароликни танлаш ҳуқуқи*

*Агар шахс ўн саккиз ёшга тўлганида чет давлатнинг фуқаролигини тузилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси)нинг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган бўлса, унга йигирма бир ёшга тўлгунга қадар Ўзбекистон фуқаролигини ёки бошқа давлат фуқаролигини танлаш ҳуқуқи берилади».*

Миллий қонунчилигимизга ушбу модданинг киритилиши *бир тарафдан* фуқароликни танлашга доир бола ҳуқуқларини кафолатловчи халқаро ҳуқуқ нормалари талабларининг бажарилишига хизмат қилса; *бошқа тарафдан*, нормалардаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, *васийлик ва ҳомийлик бу* – етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёхуд муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Бундай тоифадаги шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам муайян ҳуқуқий механизмлар яратилган бўлсада, миллий қонунчилигимиз ҳамон бартараф этилиши лозим бўлган коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларга эга. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (13.03.2020) Қонуннинг 33-моддасида *«республика ҳудудида яшаб турган боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса ва бунда улар ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг тарбиясида иштирок этмаса, ота-онасининг нотариал тартибда тасдиқланган аризасига, васийнинг ёхуд ҳомийнинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолиши»* белгилаб қўйилган.

Қонун нормасидан кўриниб турибдики, агарда ота-она (ёлғиз ота ёки она) суд томонидан муомалага лаёқатсиз, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган, вафот этган ёки бедарак йўқолган топилган бўлса, боланинг фуқаролигини сақлаб қолиши билан боғлиқ масала қай тартибда ҳал этилиши ноъмалум. Қолаверса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бола фуқаролигини ҳал этишдаги иштироки ҳам мантиқан асоссиз.

Муҳокама этилаётган масалада хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, Қозоғистон (26-модда) [5] ва Туркманистон (18-модданинг 3-қисми, 22-модда) [7] давлатларида юқоридаги ҳолларда боланинг фуқаролигини ҳал этишда ота-онанинг нотариал тасдиқланган розилиги талаб этилмайди. Эстонияда эса, ота-онаси вафот этган, бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган 15 ёшга тўлмаган болалар мамлакатда доимий яшаган ва бошқа давлат фуқаролигини олмаган бўлса, васийси талабига мувофиқ Эстония фуқаролигини олиши мумкин (13-модда 3-қисми) [10].

Юқоридагиларга асосан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

*«Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб топилган ота-она (ёлғиз ота ёки она)нинг нотариал тасдиқланган илтимоси бундан мустасно».*

Қолаверса, бизнингча Россия қонунчилигида (27-модда 2-қисми) белгиланганидек [11], болалар уйи тарбияланувчилари ёки бошқа (тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатувчи) муассасалар қарамоғидаги етим, васийликсиз қолган болаларнинг соддалаштирилган тартибда фуқаролик олишини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликни ўрганиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда боланинг фуқароликка доир ҳуқуқлари таъминланиши ҳолати, унинг фуқаролиги ўзгариши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар алоҳида ҳимоя объекти

сифатида махсус тадқиқ этилмайди, давлат органларида ушбу йўналишда алоҳида статистик қўрсаткичлар юритилмайди ҳамда бу борадаги вазифалар фуқароликка доир ишларни юритишга масъул бўлган ҳеч бир давлат органига алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилмаган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, А.В. Червинская томонидан олиб борилган изланишларда [3, Б.10] юқоридаги масалаларни ҳал этишда Фуқаролик масалалари бўйича комиссия вазифалари қаторига қуйидаги муҳим вазифани киритиш муҳим аҳамият касб этиши асосланган:

*«Россия Федерацияси Президентига хорижий шахслар томонидан фарзандликка олинган ва уларнинг илтимосига биноан Россия фуқаролигини йўқотган, шунингдек чет элликлар томонидан фарзандликка олинган рус болаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида йилига бир марта махсус ахборот (ҳисобот) тақдим этади».*

Назаримизда, юқорида келтирилган қарашларни қуйидагича тўлдирган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (13.03.2020) Қонуннинг 47-моддасига Фуқаролик масалалари комиссиясининг асосий вазифаларидан бири сифатида қуйидаги хатбошининг киритилиши мақсадга мувофиқ:

*«Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон фуқароси бўлиб, чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка, васийликка ёки ҳомийликка олинган болаларнинг, шунингдек икки фуқароликка ёхуд фуқаролиги йўқ шахс мақомига эга бўлишлари муносабати билан уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши ёки фуқароликни йўқотиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида йилига бир марта махсус ахборот (ҳисобот) тақдим этади».*

Ўйлаймизки, миллий қонунчилигимизда юқорида келтирилган ҳуқуқий механизмларнинг мустаҳкамланиши, *биринчидан*, боланинг фуқароликка доир табиий ҳуқуқлари кафолатини янги босқичга олиб чиқса; *иккинчидан*, мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига сабаб бўлади. Қолаверса, мазкур ҳолат бола ҳуқуқларига доир халқаро стандартларда назарда тутилган талабларнинг бажарилишига хизмат қилади.

#### Иқтибослар/Сноски/References

Хуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ғоят мураккаб ва кенг қамровли жараён. Хар иккала жараён учун хос бўлган хусусият - бу уларнинг муайян хуқуқ нормаларини талқин этиш ва қўллаш билан боғлиқ эканлигида ифодаланади. Мамлакатимиз миллий хуқуқ тизимида юзлаб қонунлар, ўн минглаб қонун ости ҳужжатлари амал қилади. Бироқ, шунга қарамадан уларнинг барчаси инсонни барча эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвор қоидаларини аниқ, равшан, мукамал белгилаб бера олмайди. Инсон ижтимоий субъект, унинг ижтимоий ҳаётида вужудга келадиган ҳамма жараёнларни олдиндан хуқуқий алгоритмларда белгилаб қўйишга уриниш бемаънилик бўлган бўлар эди. Хуқуқ энг зарур ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Агар мулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик хуқуқи соҳасини олиб кўрсак, унда қатъий кўрсатма берадиган императив нормалардан кўра субъектларга эркинлик, мустақиллик, ташаббускорлик

берадиган диспозитив нормалар кўпроқ эканлигини эътироф этамиз.

Ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси, моҳияти, мазмуни жуда кўп илмий тадқиқотларни мавзуи бўлганини эътиборга олиб [1], [2] асосий эътиборни аёллар ва болалар қонуний ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишда тамойилларини қўллаш хусусиятларига қаратамиз.

Одатда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам, суд амалиёти ҳам биринчи галда қонунларга асосланади. Қонунлар тушунчаси бу ўринда кенг маънода қўлланилади. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти иштирокчилари бир-бирларидан қонун талабларига риоя этишни, оғишмай бажаришни талаб қилишади. Кенг маънодаги қонун мазмуни фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи мазмунини қамраб оладими, ушбу тамойиллардан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бевосита фойдаланиш имкониятлари мавжудми деган савол туғилиши табиий. Баъзилар фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари функцияларини тор маънода талқин этадилар. Бунга кўра ҳуқуқий тамойиллар биринчи галда фуқаролик қонун ижодкорлиги жараёни учун дастур ал-амал ҳисобланади, яъни янги қабул қилинаётган қонунлар ушбу тамойилларга зид бўлмаслиги лозим. Тамойилларни бевосита қўлланиш масаласида эса ФКнинг 5-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий муносабатни тартибга солувчи қонунлар ва ўхшаш қонунлар бўлмаган тақдирда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда белгиланади. Айни пайтда баъзи ҳолатларда фуқаролик қонунларида бевосита тамойилларга ҳавола этиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, ФКнинг 187-моддаси 1-қисмида ҳалол эғалик қилиш тўғрисида кўрсатилади.

Бундан ташқари шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳуқуқ тамойиллари ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини иштирокчиларини ижтимоий онги орқали ҳам бу борада ўзининг таъсирига эга. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти иштирокчилари ижтимоий онги таркибида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий кадрятлар шаклланган бўлади. Бинобарин, ушбу компонентлар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини хатти ҳаракатига, хулқ атворига, қонунларни англаш ва талқин қилиш бўйича ҳолатига таъсир қилувчи муайян субъектив омиллар мажмуини ташкил этади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти давлат ҳокимияти идоралари органларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, нотариал идораларда, медиация ва ҳакамлик келишувларида фуқаролик ҳуқуқини ҳалоллик, оқилоналик ва адолат тамойилларини қўллаш жараёнини ўз ичига олади.

Энг асосийси жараён иштирокчилари айниқса, ҳуқуқни қўлловчи шахслар, яъни давлат ҳокимияти идоралари ваколатли ходимлари, нотариус, медиатор, ҳакам, судья тамойиллар моҳияти ва мазмунини тўлиқ англаб етган бўлишлари лозим. Бироқ, қонунларда тамойиллар тушунчаси, моҳияти аниқ равшан белгилаб қўйилмаган. Масалан, фуқаролик ҳуқуқини ҳалоллик тамойили. Ҳалоллик бу – баҳоловчи тушунча, яъни баҳоловчи субъект қайси нуқтаи назардан баҳолашига боғлиқ. Шу сабабли ҳам баъзи ҳолатларда киноя билан ҳар бир инсоннинг ўз ҳақиқати бор деган сўзларда муайян жон бор деб айтиш мумкин.

Биринчи навбатда, шуни таъкидлаш ўринлики Фуқаролик кодексининг ўзбекча ва русча матнларидаги ҳалоллик категориясини ўзбекча муодили турлича ифодаланади. Агар ФКнинг 5-моддаси 2-қисмида бу ҳалоллик деб аталса, 229-моддасида эса бу инсофлилик деб ифодаланади. Русча матнлардан ҳар иккала нормаларда ҳам “добросовестность” ибораси қўлланган. Бу ўринда ҳалол ёки инсофли тушунчаларини нисбатини белгилаш лозим бўлади. Муайян маънода ҳалоллик ва инсофлилик мазмунан мос келувчи жиҳатларини эътироф этиш лозим. Бироқ инсофли тушунчаси ҳалолликка нисбатан аниқроқ, кенгроқ ва юридик ибора режимига мазмунан мосроқ деб ҳисоблаш мумкин. Ҳалоллик, поклик бу айни пайтда маънавий категориялар ҳисобланади.

Инсофлилик – инсоннинг муайян жамиятда амал қиладиган ўз хулқи одобини назорат қилиш ва ахлоқий баҳолашидир. Инсоф виждонли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқи атвори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир.

Ҳалоллик – (арабча руҳсат этилган, йўл қўйилган, қонуний асосли, тўғрилик, виждонлилик) – хиёнат, ғирромлик қабилардан ҳоли, қинғир йўлга бормайдиган, бировни алдамайдиган, тўғри, соф, покиза бўлишни талаб қиладиган маънавий ахлоқий меъёрни англаувчи тушунча. Ҳалол покиза яшаш бировларнинг ҳаққига заррача бўлсада хиёнат қилмасликдан иборатдир. Ҳалолликнинг мавжудлиги ростгўйлик ва фидоийлик билан шартланади. Ҳалоллик инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг бирлиги, сўзи билан хатти-ҳаракати тўғри келиши, атрофдаги инсонларга очиқ кўнгил ва самимий муносабатни ифодаловчи маънавий, ахлоқий фазилатлардан ҳисобланади [3, Б.54], [3, Б.137].

Бундан кўриниб турибдики, инсофлилик ва ҳалоллик категориялари ахлоқий категориялар сифатида мазмунан фарқланади. Шу сабабли ҳам русча матндаги бир хил ибора ФКнинг ўзбекча матнида ҳалоллик инсофлилик иборалари билан аталиши қонунчилик техникаси нуқтаи-назаридан тўғри бўлмаган.

ФКнинг ўзбекча матнинин ФКнинг русча матнига мослаштириш ва “добросовестность” ни ҳар қандай ҳолатда инсофлилик сифатида ифодалаш ўринли бўлур эди. Ҳалоллик идеал ижобий ҳолат. Инсофлиликда эса ҳар доим идеал ижобийлик даражаси намоён бўлавермайди. Ҳалолликда ўзига зулм қилиб бошқаларга марҳамат қилиш мумкин бироқ, инсофлиликда бошқаларга зулм қилиш истисно этилиши билан бирга, ўзига ҳам зулм қилиш мақбул бўлиб ҳисобланмайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида инсофлилик нуқтаи назаридан келиб чиқиш ўринли бўлур эди. Масалан, Фуқаролик кодексини 187-моддасини қўллашда кўчмас мулкнинг эгаси мол-мулкка нисбатан ўзини эрки иродаси ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқий боғланишни йўқотади. Уч йиллик даъво муддати ва ўн беш йиллик даъво муддати ўтгандан кейин инсофли эгалловчи 187-моддада кўрсатилган шартларга риоя қилган бўлса яъни инсофли асосда олган, ошқора ва узлуксиз ўз мулки сифатида муносабатда бўлган ҳолда ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини қонуний асосда қўлга кирита олади. Ҳалоллик нуқтаи назаридан бўлса бу мол-мулк бирламчи мулкдорга қайтариллиши лозим, бироқ қонун инсоф, диёнат нуқтаи-назаридан олганда яъни мол-мулкка ўзиникидай муносабатда бўлиши, уни яхшилаши, ободонлаштириши, солиқларни тўлаши нуқтаи-назаридан инсофли эгалловчи манфаатларини устун қўяди.

Ҳуқуқ тамойилларини қўллаш аёллар ва болалар мулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда қай даражада ижобий таъсир кўрсатиш мумкин деган савол туғилиши табиий. Фуқаролик қонун нуқтаи назаридан барча субъект тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Бу умумий қоида бироқ, айни пайтда ҳуқуқ доктринасида заиф томон ҳуқуқий мақоми ҳам мавжуд. Қонун кўп ҳолларда заиф томон учун муайян имтиёзлар белгилайди, шу имтиёзлар орқали тарафларни фактик ҳолати тенглашади. Масалан, кредитор қарздорга нисбатан заиф томон ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, ФКнинг 333-моддасида қарздор учун айбдорлик презумпцияси белгиланган. Яъни мажбуриятни бажармаган қарздор то ўзини айби йўқлигини исбот қилиб бермагунча айбдор ҳисобланади. Мажбуриятларда таваккал қилиш бурчи тақсимланганда ҳам, қонун чиқарувчи таваккал қилиш бурчини фактик жиҳатдан устун бўлган субъект зиммасига юклайди. Бундан ташқари шуни унутмаслик лозимки диний қадриятлар бизнинг маънавий қадриятларимиз таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, Қуръони Каримда адолат масаласига алоҳида урғу берилади. Унда “Ё аййухаллазийна аманув, кувнув қоввамина бил қисти шуҳадоа лиллаҳи ва лав ала анфусикум авил валидайни вал акрабийн” яъни, эй мўминлар ҳар ишда, адолатли бўлинглар, гувоҳликларингиз холис Аллоҳ учун бўлсин, ўзларингиз ёки ота оналарингиз, ё қавми қариндошларингизга зиён етгудек бўлса ҳам адолат йўлидан чиқманглар деган кўрсатма борлиги ҳақида машҳур уламо Алихонтўра Соғуний ёзади [4]. Биринчи Президентимиз “Маънавият – энгилмас куч” асарида ушбу ҳолатга алоҳида урғу берганлар. Диний қадриятларда эса Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда етимнинг ва аёлларнинг ҳаққини еманг, етимларга аёлларга нисбатан мурувватли бўлинг каби қадриятлар мавжуд. Ушбу қадриятларни қонунларимизда, айниқса Оила кодексига жуда кўп ўринларда ўз ифодасини топганлиги ҳеч кимга сир эмас. Билвосита бўлмаса ҳам, бавосита ушбу қадриятлар фуқаролик ҳуқуқининг адолатлилик, оқилонилик ва инсофлилик тамойилларида ўз ифодасини топган. Ушбу тамойиллар орқали заифлар яъни аёллар ва болалар мулкий ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд амалиётида кам бўлса ҳам, муайян мисоллар келтириш мумкин.

Н. исмли аёл икки вояга етмаган боласи билан 1995 йилда А. исмли шахсни ҳовлисини ижарага олади. Орадан 10 йил ўтгандан кейин ижарага берувчи чет элга доимий яшаш учун кетишга чоғланади. Бундан хабар топган Н. ҳовлини унга сотишни таклиф этади. 2005 йил январ ойида етти минг долларга турар жойни олди-сотди шартномаси бўйича ёзма шартнома тузадилар. 2005 йил ноябрда А. олти минг доллар тўловни олади. Н. ҳовлида капитал таъмирлаш ишларини бошлайди. 2006 йил январ ойида қолган минг долларни ҳам олади ва ҳужжатларни кейинчалик нотариал гувоҳлантириб беришни ваъда қилади. Айни пайтда А. 2005 йил декабр ойидан бошлаб бошқа бир В. исмли шахс билан кўчмас мулкин олди-сотдиси бўйича музокаралар бошлайди. В. ҳовлини бориб кўради, у ерда яшаётган Н. билан учрашади, капитал ремонт қилинаётганига гувоҳ бўлади, ҳовли учун тўловни асосий қисми тўланганидан ҳам хабар топади. Бироқ шунга қарамасдан А. билан В. ўртасида 2006 йил феврал ойида турар-жойнинг олди-сотди шартномаси

тузилади, нотариал гувоҳлантирилади ва давлат рўйхатидан ўтказидирилади. Март ойида А. чет элга жўнаб кетади. Шундан кейин В. Н. ни турар-жойдан кўчириш бўйича судга даъво билан мурожат қилади. Қонуннинг формал талабларидан келиб чиққудек бўлсак В.нинг позицияси устуворроқ туюлади (Фуқаролик кодексининг 84-моддаси, унга кўра кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ёки бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва Фуқаролик кодексининг 112-моддаси - битим нотариал гувоҳлантириш талабига риоя этмаслик оқибатлари), бу ҳолда Н. билан А. ўртасида тузилган ёзма шартнома ва А. билан В. ўртасида тузилган нотариал гувоҳлантирилган, давлат рўйхатидан ўтказилган шартномалардан қайси бири ҳақиқийлиги масаласи бўйича суд муҳокамасига қўйилади. Дастлаб, биринчи инстанция суди ФКнинг 83-моддаси ва 112-моддаси талабларидан келиб чиқиб А. ва Н. ўртасидаги оддий ёзма шартномани ҳақиқий эмас деб топади, А. билан В.нинг ўртасидаги шартномани ҳақиқий деб топади ва Н.ни уйдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги қарор қабул қилади. А. билан Н. ўртасидаги шартнома оқибатлари бўйича Н.ни А.дан шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида талаб билан судга даъво билан мурожат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади. Кейинги инстанцияларда иш муайян бир формал асос билан қайта кўриш учун яна биринчи инстанцияга юборилади. Шунда айтиш мумкинки ўзига хос мўжиза юз бериб, адолат тантана қилади. Ишни янгидан кўрган суд А. билан В. ўртасида тузилган шартнома бўйича даъво талабини рад этади. Бунда суд ФКнинг 9-моддаси талабларидан келиб чиқади. ФКнинг 9-моддаси 3-бандида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларини ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади деб кўрсатилган. В. А. билан шартнома тузишдан олдин ушбу ҳовлида Н. ўз фарзандлари билан истиқомат қилаётганлигини, А. билан олди-сотди шартномаси тузганлигини, тўловни асосий қисми амалга оширилганлигини билган, ҳатто ҳовлида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганлигини ҳам кўрган. Бинобарин, ўзини А. билан тузган кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси Н.нинг манфаатларига хилоф эканлигини англаб етган. Бу ерда В.нинг ҳаракатларида инсофсизлик белгилари муайян тарзда намоён бўлади. Фуқаролик кодекси 9-моддаси 2-қисмида фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак деб кўрсатилган. В.нинг ҳатти ҳаракатларида жамиятнинг маънавий тамойилларини, инсоф, адолат, диёнат қадриятларини менсимаслик яққол кўринади. В. А. билан шартнома тузганда А.нинг Н. билан тузилган шартнома оддий қоғоз ҳолос, сен билан тузилган шартномани давлат рўйхатидан ўтказдириб, нотариал гувоҳлантириб қонун талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда тузамиз, сенда уй-жойга нисбатан қонуний асос бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келади. Бу аёлни болалари билан суд тартибида осонгина чиқариб юборасан деган сўзларига ишонган. Фақат ўз манфаатларини худбинлик билан ўйлаган. ФКнинг 9-моддаси 4-қисмида фуқаролар юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид равишда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Тўғри, В.нинг ҳуқуқ лаёқати ва муомила лаёқати мазмунида битим, шартномалар тузиш, шу асосда мол-мулклар олиш ҳуқуқи мавжуд. У ушбу ҳуқуқни амалга ошириш бўйича ўнлаб имкониятлари ичидан айнан Н. нинг манфаатларига зид бўлган шартнома тузди. Яъни ўз ҳуқуқини амалга оширишни суистеъмол қилди. Унинг ўз ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳаракати бошқаларни қонуний манфаатига зид бўлиб чиқди. Бундай ҳолатда суд ҳақли равишда В. томонидан ФКнинг 9-моддаси 6-қисмида белгиланган талабларга зид ҳаракат қилган деб топди яъни, В. томонидан фуқаролик ҳуқуқларни амалга ошириш Н. нинг ҳуқуқларини бузиши, В. томонидан жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий қоидаларни менсимаслиги, ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилиши судга В.га тегишли бўлган, А. билан тузилган кўчмас мулкни олди-сотди шартномасини рўёбга чиқариш, мулк ҳуқуқини вужудга келиши ва амалга оширилиши бўйича ҳуқуқларни ҳимоя қилинишини рад этишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида суд оstonасига қадам қўйган ар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда буюк немис файласуфи Эммануэл Кант айтганидек “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда Судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари,

адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлишлари лозим деб таъкидлади [5].

Оммавий ахборот воситаларида “судлар адолат кўрғони” деган қанотли ибора пайдо бўлди. Адолатни маъноси, моҳияти қандай талқин этилади, у қонунларда ўз ифодасини топганми деган савол туғилиши табиий. Жиноят к одексида одиллик принципи мавжуд (8-модда). ЖПКнинг 455-моддаси 4-қисмида суд ҳукмининг адолатлилик моҳияти белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини 373-моддасида суд ҳал қилув қарорларини қайта кўриб чиқиш асослари белгилаб қўйилган. Бунда суд ҳужжати қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш асоси сифатида белгилаб қўйилган. ФПКнинг 4-бўлим 43-бобида суд ҳужжатини қонунийлиги ва асосланганлиги бўйича мезонлар ўз ифодасини топган. Бироқ, суд ҳужжатини адолатли эканлигини аниқлаш мезонлари унда ўз мужассамини топмаган. Фуқаролик кодексини ва бошқа қатор қонунларда ҳам адолат, адолатли бўлиш талаби белгилаб қўйилган. Бироқ, у нимада ифодаланиши мавҳум бўлиб қолган. Адолат одил судлов учун асосий мезон экан, нима учун моддий қонунларда ҳам, процессуал қонунларда ҳам унинг моҳияти, мазмуни очиб берилмаганлигини ўзига хос илмий муаммо деб ҳисоблаш мумкин. Кўп ҳолатларда қонун адолат мезони, қонунларга риоя қилиниши, унинг талабларини қатъий бажариш адолатлиликни таъминлашни кафолатидир деган фикрлар кенг тарқалган. Бу муайян маънода ўзини оқлаган ҳулоса деб айтиш мумкин. Бироқ шунга қарамасдан қонунийлик ва адолатлилик ҳар доим айни тушунчалар сифатида қабул қилинмаган. Жуда кўп фундаментал қонунларда қонунийлик тамойили ва адолатлилик тамойили алоҳида алоҳида тамойиллар тарзида белгилаб қўйилган. Бу ўринда савол туғилиши табиий: адолатнинг моҳияти ва мазмуни қонунларда аниқ, равшан белгилаб қўйилмаган бўлса, у ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиёти иштирокчилари, судлар адолат мезонлари бўйича қандай қадриятларга асосланишлари лозим. Илмий адабиётларда адолат категорияси қандай шарҳланади. Фуқаролик ҳуқуқий доктринаси унинг моҳиятини қандай белгилайди деган савол туғилиши табиий.

Цивилистика фанида адолатга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Д.Рябыхнинг фикрича адолат - бу биринчи навбатда индивид ва жамиятнинг фаровонлигига асос бўлувчи тартибдир. Бу тартиб юридик тенглик, ижтимоий умумийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш тамойилларига асосланади [6]. Г.Пашкова эса, адолатни тенглаштириш, мувофиқлаштириш, мутаносиблик масалан, турли ҳуқуқ тизимларида чора кўришда тенглик (фуқароларнинг қонун олдида тенглиги), тақсимотдаги тенглик (моддий ва бошқа неъматларни тақсимлашда шахснинг барча ҳолатларини ҳисобга олиш) сифатида талқин этади [7]. О.Мягкова адолат тамойилини мутаносиблик ва тенг ўлчовлилик сифатида ифодаланадиган манфаатлар мувозанати сифатида баҳолайди [8, Б.120-122].

Шартномавий ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мутаносиблиги, уларни рақобат қилувчи манфаатлари мувозанатга келтирилганлиги адолатнинг мужассами сифатида талқин этилади. Э.Анциферова адолат – умумқабул қилинган ва мажбурий норматив тизим – қонунда белгилаб қўйилган мезонларга мувофиқ хатти-ҳаракатларни мантикий баҳоси сифатида кўрсатади. Т.Майборода адолатга ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини хатти-ҳаракатларини ва воқеълик ҳолатларини ҳуқуқий мувофиқлигини баҳолашни акс эттирадиган, шахс ёки ижтимоий жамоанинг ижтимоий онгида шаклланган талаблар, ҳуқуқлар ва неъматлар тизими сифатида белгилайди. Адолатни объектив ва субъектив нуқтаи назардан кўриб чиқиш лозим. объектив нуқтаи назардан адолат, адолатли давлат назарий моделини ижтимоий муносабатлар тизими ривожининг муайян босқичига мувофиқлигини акс эттиради. Адолатни субъектив баҳоси эса бу алоҳида шахслар, қатламлар ва гуруҳларнинг баҳоси ҳисобланади. Ўз маъносига кўра адолат турлича функцияларни бажаради. У тамойил сифатида, мақсад сифатида, хатти-ҳаракатлар баҳоси сифатида намоён бўлиши мумкин. У ҳуқуқни қўллаш амалиётида адолат тушунчасига нисбатан қизиқиш ортиб бораётганини ва бу бўйича судларни барқарор амалиёти вужудга келганини қайд этади ва айни пайтда қонун чиқарувчи адолатни моҳиятини ва мезонларини белгилаб қўймаганлиги уни амалда қўллашда қийинчиликлар вужудга келтираётганини таъкидлайди [9, Б.16-18].

А.Конавалов фуқаролик ҳуқуқида адолатни фуқаролик муомаласи иштирокчиларини ўзларига тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш ва зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда бошқа шахслар ва ижтимоий манфаатларни ҳисобга олишга, ҳуқуқни суистеъмол қилишдан тийилишга, фуқаролик муомаласи иштирокчилари мақомида тенгликка риоя қилишга ва зарурият бўлганда қонун талаб қилгандан кўра юқорида мажбуриятлар юқламаларни ўзига олишга бўлган ахлоқий асосланган интилиш, ҳаракат сифатида талқин этади. Фуқаролик ҳуқуқий адолат функционал жиҳатдан

фуқаролик ҳуқуқи субъектиликни тўлақонли таъминлашга, мажбуриятларни лозим даражада бажарилишига, фуқаролик муомаласидаги заиф иштирокчиларни ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилади [10].

Ушбу муаллифнинг нуқтаи назари муайян маънода адолатни моҳиятини тўлақонли ифодалайди деб айтиш мумкин. Айни пайтда адолатнинг бундай моҳияти моддий қонунлар учун методологик аҳамиятга эга. Процессуал қонунларда эса адолат биринчи галда суд ҳужжатларини ижро қилиш оқибатлари нуқтаи назаридан баҳоланиши талаб этилади. Бунда бузилган ҳуқуқларни тикланиши, қонуний манфаатларни рўёбга чиқиши, зарарларни ва товон пулини мутаносиб равишда ундирилиши, умуман кўрилган чоралар адолатни қарор топишига олиб келиши лозим.

Қуръони Каримда кишилар ўртасида муносабатларда адолатли бўлишга такрор-такрор чақирилади. Жумладан, Нисо сурасининг 58-оятда одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюрилади деб кўрсатилган [11, Б.75]. Мойида сурасининг 8-оятда эй мўминлар Аллоҳнинг ўзи учун ҳақ йўлни тутувчи адолат билан шаҳодат – гувоҳлик берувчи бўлингиз! Бирор қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Дея таъкидланади [11, Б.91].

Адолат тамойили моҳияти ва мазмунига кўра кенг қамровли ва мураккаб мезонлар тизимидан иборат. Буни бирданига ишлаб чиқиб, процессуал қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш, шошма-шошарлик сифатида баҳоланиши мумкин. Адолат мезонлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилиши ва тизимлаштирилиши лозим. Унда турли тоифадаги ишлар бўйича адолат мезонларини қўллаш хусусиятлари қандай намоён бўлиши тавсифини ишлаб чиқиш талаб этилади. Назариётчи олимлар ҳам ушбу муаммони нафақат назарий жиҳатдан, балки ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳолатидан келиб чиқиб тадқиқ этиши талаб этилади. Якуний натижалар Олий суд Пленумининг қарори лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилиши ва улар суд амалиётида апробациядан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Агар у ўзини оқласа, шундан кейин уни процессуал қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш ўринли бўлур эди.

А.Канавалов таъкидлаганидек, адолат тамойилининг таркибий қисмларидан бири бўлиб заифларни ҳимоя қилиш, улар учун махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини узлуксиз ва муқаррар, тизимли тарзда фаолият юритиши ҳисобланади. Заиф субъект, заиф иштирокчи турли хусусиятлар билан тавсифланади, бироқ кўп ҳолларда заиф субъектлар тизимида муқаррар равишда аёллар ва вояга етмаганлар жой олади. Мамлакатимизда амал қилувчи ҳуқуқий ҳимоя тизими умумий ва махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимига бўлинади. Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимидан ҳар қандай субъект ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш учун ҳақли. Махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими жисмоний ҳолати, вазият тақозоси ва бошқа омиллар сабабли умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланиш имконияти чекланган ёки ундан самарали фойдалана олмайдиган субъектлар учун яратилган. Булар жумласига жиноий таъқиб остига олинган шахслар, ногиронлар, вояга етмаганлар ва муайян ҳолатлар бўйича аёллар кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида фуқароларни барча белгилардан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиқ белгилаб қўйилган. Бироқ юридик тенглик ҳар доим фактик тенгликни англамайди. Табиатан биологик ва жисмоний хусусиятлар эркак, аёл имкониятларини турлича тавсифлайди. Аёллар ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан, ҳомиладорлик, туғиш, бола эмизиш, парваришлаш, оилада маиший шароитларни яратиш ва шу каби функциялари нуқтаи назаридан алоҳида мавқега эга, бироқ ҳаётда ҳар доим ҳам эркаклар каби ижтимоий фаол бўла олмайдилар. Албатта жамиятда эркаклар билан барча жабҳаларда тенг имкониятларга эга, ҳатто улардан ҳам устунроқ мавқега эга аёллар ҳам мавжуд. Бироқ, булар умумий қоидадан кўра умумий қоидадан истисно ҳисобланади. Мамлакатимизда миллий қадриятлар асосида аёл кишининг ўрта статистик портрети чизгиларида оилага ва болаларга фидоийлик, ўз бахтини оила бахти, фаровонлиги билан қатъий боғлаш, ижтимоий миқёслардан кўра фарзандлар ва турмуш ўртоғи манфаатларини устун қўйиш ва шу соҳада фидоийлик билан фаолият юритиш кўп аёлларнинг ўзлари томонидан танланган қисмат битиги сифатида баҳоланган мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аёллар ва улар билан боғлиқ равишда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида ҳимоя қилиш зарурати ва моҳияти юқоридаги мулоҳазаларда ўз мужассамини топган.

Мулкий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда аёл иштирокчиларни ҳар доим эмас, муайян вазият тақозосига кўра, фактик ҳолатига кўра ҳимоя имкониятларига қараб заиф томон сифатида қараш мумкин.

Аёл кишининг заифлиги энг аввало эрига моддий жихатдан қарамлигида, эри топувчи, у истеъмолчи бўлиб қолганлигида. Мулкый масалаларни хал қилишда эр фаол бўлгани, қарорлар у томонидан қабул қилингани сабабли кўп мол-мулклар эр хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулки режимидан чиқиб кетиб, аёлнинг ҳуқуқий имкониятлари таъсири доирасидан четда эканлиги, турар жойлар, корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари эркак кишининг имкониятлари устувор соҳаларга жойлаштирилганлиги ва шу кабилардан намоён бўлади. Шунини таъкидлаш ўринлики аёл киши ўз мулкый ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояси соҳасида ҳуқуқни қўллаш ва суд тизимига етиб келгунча ҳам муайян босқичлар бор. Баъзи аёллар, келинлар бу босқичга ета олмасдан ўз жонларига қасд қилиш, тукқан болаларини ўлдириш, фарзандларини сотиш, ташлаб кетиш, турар жойлардан ҳайдалиб бошпанасиз қолиш ҳолатларида қолмоқдалар. Эътиборлиси шундаки, бундай мушкул вазиятларга уларнинг мулкый ҳуқуқлари ва манфаатларини бузадиган, тажоввуз қиладиган эркаклар деярли тушмайдилар.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд мана шундай вазиятларда аёлларни заиф томон сифатида қабул қилишлари, ҳолислик ва қонунийликни бузмаган ҳолда ҳуқуқий майдонда улар учун муайян шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб бермоғи лозим бўлади. Бугунги кунда баъзи аёлларни қийнаётган муаммолардан бири шаръий никоҳларни нисбатан кенг ёйилаётганидир. Масалан, маълумотларга кўра фақат Фарғона вилоятининг ўзида олти ой давомида 2467 та бола расман эмас, шаръий никоҳда туғилган [12]. Агар бу рақамларни бутун мамлакат бўйича қўлласак, у ҳолда бутун мамлакат бўйича 25 мингдан ортиқ шаръий никоҳда туғилган болалар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Буни камида ўн йиллик ўтмиш даврига қайтарсақчи, ҳатто камайтириб олган тақдирда ҳам юз минглаб аёллар шаръий никоҳда фарзанд туғиб тарбиялаб, эр хотин бўлиб яшаб келмоқдалар. Мамлакатимиз дунёвий давлат, у мулкый масалаларда шаръий никоҳни расмий юридик қайд этилган никоҳ билан ҳеч қачон тенглаштирмайди. Шаръий никоҳдаги ҳолат Фуқаролик кодексининг умумий мулк ва биргаликдаги фаолият нормалари таъсири доирасида. Оила кодекси томонидан қафолатланган ҳуқуқлар бу жабҳада қўлланмайди. Бинобарин судлар шаръий никоҳ даврида ортирилган мол-мулк, умумий рўзғор юритиш, шаръий эр-хотин тадбиркорлиги масалалари бўйича низоларда Оила кодекси нормаларини қўллай олмайдилар. Бироқ излаган имкон топади. Судлар адолат тамойили моҳиятидан келиб чиққан ҳолда заиф томон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян юридик воситалардан фойдаланиш имкониятларига эгадирлар.

Оқилоналикни субъектив маънода тушуниш негизида унинг умумиллий моҳияти ётади. Бунда асосий эътибор муайян субъект, уни фикрлаш, онгли тафаккур қилиш хусусиятларига қаратилади. Л.Валасатованинг фикрича оқилоналикнинг умумиллий аҳамияти, моҳияти деганда инсон онги барқарор фаолиятдан келиб чиққан ҳолда воқеа ва нарсаларнинг ички ва ташқи алоқаларини маъно мазмунини топиш, аниқлаш, тартибга ҳамда тизимга солишга қаратилган билиш қобилиятини тушунмоқ жоиз [14, Б.10].

Оқилоналик субъектив маънода ҳуқуқни амалга оширишнинг ички механизми сифатида амал қилади. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқида шахснинг ҳуқуқ лаёқатлилигига бевосита таъсир кўрсатади. Субъектда бундай лаёқатлиликнинг (унинг ёши ёки руҳий касаллиги туфайли) ривожланмаганлиги у муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошириш, уларни мазмунини тушуниш ва ундан келиб чиқадиган жавобгарликни англаб етишга қодир эмаслигини намоён этиши мумкин. Агарда аксинча ўйлаб кўриладиган бўлса ҳуқуқ лаёқатлилиги фуқаролик муносабатлари оқилоналик призмацияси ҳисобланади [1, Б.155].

Ҳар доим муайян субъект имкониятларини баҳолаганда ўртача статистик имкониятлар даражасидан келиб чиқиш лозим. Бунда “супермен” имкониятлари ҳам ва заиф киши имкониятлари ҳам асос қилиб олиниши мумкин эмас. Бошқа жихатдан олганда субъект муайян масалалар бўйича қарор қабул қилганда ҳам оқилона равишда ҳаракат қилиш лозим, шошма шошарлик билан қарор қабул қилиш, унинг оқибатларини чуқур англаб етмаслик, ўз имкониятларини хаддан ортиқ баҳолаш кўп ҳолатларда фуқаролик ҳуқуқий низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шартномавий муносабатларда ҳам деликт муносабатларда ҳам ушбу муносабатлар жараёни билан боғлиқ равишда таваккалчилик бурчи, рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарлар билан боғлиқ омиллар тизимини ҳисобга олиш лозим. Таваккалчилик бурчи ва хатарлар омиллари тизими бугунги кунда фуқаролик муомаласи иштирокчилари ҳисобга олиниши лозим бўлган зарурий ҳолатлар жумласига киради. Судлар аёллар, болалар мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўришда оқилоналик тамойилини қўллашда умумий қоидадан истисно тарзда, муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўрта статистик субъект имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қарор

қабул қилишдан чекинишлари мақсадга мувофиқ деган хулоса тақдим этилади. Аёллар коммунал тўловлар бўйича қарздорлик ҳолатларида коммунал тўловлар тўлаш муддатларини кечиктириш, пеняларни қўлламаслик албатта суд муҳокамасининг предмети бўлиши лозим. Қарз, кредитлар бўйича фоизлар ва неустойкаларни қўллаш масасаласида ҳам аёллар ёки болалар мол-мулкига нисбатан ундурув қаратиладиган бўлса, оқилоналик тамойилидан келиб чиқиб, жавобгарлик ҳажмини камайтириш, мажбуриятларни ижро этиш муддатларини узайтириш суд томонидан қўлланиши оқилоналик тамойилини ўзига хос намоён бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик суди Х. билан унинг ўғай ўғли А. ўртасида мерос улушларини аниқлаш бўйича фуқаролик ишини кўриб Г. дан мерос бўлиб қолган қиймати 300 миллион сўм бўлган ҳовли жойни тақсимлаш бўйича фуқаролик ишини кўриб чиқади. Аниқланишича Г. билан Х. никоҳ даврида Г. томонидан эр хотиннинг умумий маблағлари асосида Тошкент шаҳрида жойлашган ўзбошимчалик билан қурилган иморатларини оддий ёзма шартнома орқали 2005 йилда сотиб олади. Эри вафотидан кейин Х. ушбу ҳовли жойни ФКнинг 212-моддаси асосида мулк ҳуқуқини эътироф қилиш бўйича судга мурожат қилади. Бу орада Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги талаби билан Х.га нисбатан ўзбошимчалик билан қурилиш қилганлиги сабабли суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарилади ва Х. маъмурий жаримага тортилади. Х.нинг тинимсиз ҳаракатлари сабабли 2010 йилда суд ўзбошимчалик билан қурилган иморат бўйича Г.га нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф қилиш бўйича қарор қабул қилади. Г.нинг ўғли ушбу ҳовли жойни мерос массасига киритилишини ва мерос масаласига киритилгандан кейин унинг ярмини ўзига мерос сифатида берилишини талаб қилади. Х. ўғай ўғли А.ни ушбу мерос мулкидаги улушини камайтирилишини талаб қилади ва асос сифатида эри Г.га касал пайтида қараганлиги, уни дафн этганлиги, ўзини саъйи ҳаркатлари билан ушбу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилганлиги, 2015 йилда мерос мулкини тақсимлаш ҳақида иш кўрилгунга қадар солиқлар, коммунал тўловлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб келаётганлиги, шунингдек уй бир неча бор таъмирланганлигини кўрсатиб ўтади ва тегишли далиллар тақдим этади. Суд ФКнинг 1155-1153-1114-1143-моддалари талабларидан келиб чиқиб ҳовлига нисбатан Х.нинг улушини 3/4 деб топади ва ўғай ўғлининг улушининг 4/1 деб белгилайди. Бунда 4/2 қисм улуш эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулки бўйича Х.нинг улуши сифатида белгиланган бўлса 4/1 қисмдаги улуш Х. томонидан турли суд инстанцияларига мурожаат қилиш оқибатида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилиши, таъмирлаш харажатлари, касални парваришлаш ва дафн этиш харажатлари бўйича вужудга келади.

Бу ўринда мерос қолдирувчини хасталик харажатлари ва дафн этиш харажатлари ФКнинг 1155-моддасида назарда тутилган. Мерос қолдирувчи ҳарбий бўлгани сабабли госпиталда даволанган ва имтиёзларга эга бўлган. Дафн харажатлари ҳам энг зарурий чиқимлар доирасида ҳисобланган. Ҳар иккала харажат Х.нинг улушини ортишига жиддий таъсир қилмаган. Суд иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳаракатларини ФКнинг 1155-моддасида кўрсатилган харажатлар таркибига киритди. Ушбу нормадаги “меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш ва бошқариш харажатлари” ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш билан боғлиқ харажатларни қамраб олади деб кўрсатди.

Фуқаролик ҳуқуқининг адолат, инсоф, оқилоналик каби тамойилларини ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида изчиллик билан қўллаш жамиятда ҳуқуқ тартибот асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бироқ амалиётда ушбу тамойиллардан фойдаланиш бўйича ўзига хос кўникма шаклланган деб айтиш қийин. Биринчи галда тамойиллар маъно моҳияти судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва бошқа ҳуқуқшунослар ҳуқуқий ва ҳуқуқий маданиятида аниқ равшан мезонлар, тушунчалар кўринишида эмас балки муайян мавҳум назарий ақидалар тарзида ўрнашиб қолган. Тегишли илмий манбаларда ҳам бу бўйича методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин бўлган илмий қурилмалар тўлақонли ишлаб чиқилмаган. Кўп ҳолларда қонун адолат мезони, қонунни бажарсанг, унга оғишмай риоя қилсанг адолатни таъминлаган бўласан деган чучмал тасаввурлар доирасида фикр юритилади. Албатта, қонунлар қабул қилишда етти ўлчаб бир кесилади иложи борица адолат, инсоф мезонларидан келиб чиқилади. Бироқ, қонундаги муайян кўрсатма бир пайтнинг ўзида турмушдаги минглаб ҳолатларга нисбатан қўлланилади. Баъзи ҳолларда қонунни қўллашда формал ҳолатлардан келиб чиқиш, муайян қолипларга солиш каби ёндашувлар учрайди. Зоҳиран қараганда қонун тўғри қўлланган бироқ амалда инсон тақдири, унинг манфаатлари кўздан қочирилади. Мана шундай ҳолатларда адолат, инсоф, оқилоналик тамойилларини қонун талаблари билан уйғунлаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади. Фикримизча, юридик таълим муассасаларида



қонунлар моҳияти, мазмунини ўрганиш билан бирга адолат, оқилоналик, инсоф, инсофлилик каби тамойиллар, қадриятлар моҳиятини англаб етиш лозим. Юридик таълимни махсус ўрта таълим босқичида ҳам, бакалаврият босқичида ҳам, магистратура босқичида ҳам шу жумладан, Судьялар олий мактаби тингловчилари томонидан ҳам адолат, оқилоналик, инсофлилик бўйича рефератлар, эсселар ёзиш, казуслар ва кейсларни мақсадли тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айни пайтда суд ҳужжатларини нафақат қонунийлиги ва асослантирилганлиги балки адолатлилиги нуқтаи-назаридан ҳам баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш талаб этилади. Мана шундагина адолат, инсоф, оқилоналик мавҳум тасаввурдан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида йўналтирувчи амалий қадриятга айланади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. А.Мухаммадиев. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари назарий амалий муаммолар. Тошкент. 2010. (A.Muhammadiev. Principles of civil law are theoretical and practical problems. Tashkent. 2010)
2. Х.Одилқориев, Ш.Якубов. Миллий ҳуқуқий тизим ва қадриятлар. Тошкент. 2010. (X.Odilqoriev, Sh.Yakubov. National legal system and values. Tashkent. 2010)
3. С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Тошкент. Шарқ. 2019. (S.Norquziev. Basic principles of morality. Tashkent. Sharq. 2019)
4. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мухаммадий. Тошкент. Шарқ. 2007. (Alikhantora Soguniy. History of Muhammad. Tashkent. Sharq. 2007.)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>. (Text of President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/en/lists/view/3324>.)
6. Рябых, Д.И. Принцип справедливости в налоговом праве. / Д.И.Рябых // URL: <http://xn--7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/28004> (Ryabykh, D.I. The principle of fairness in tax law. / D. I. Ryabykh // URL: <http://xn--7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/28004>)
7. Пашкова, Г.Г. Реализация принципа социальной справедливости в праве социального обеспечения / Г.Г.Пашкова // URL: <http://xn--7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/20117> (Pashkova, G.G. Implementation of the principle of social justice in the law of social security / G.G. Pashkova // URL: <http://xn--7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/20117>)
8. Майборода, Т. Ю. К вопросу об определении оценочных понятий в гражданском праве / Т. Ю. Майборода. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 39 (277). — С. 120-122. — URL: <https://moluch.ru/archive/277/62570/> (Maiboroda, T. Yu. To the question of defining evaluative concepts in civil law / T. Yu. Maiboroda. - Text: direct // Young scientist. - 2019. - No. 39 (277). // URL: <https://moluch.ru/archive/277/62570/>)
9. Майборода, Т. Ю. Понятие справедливости в гражданском праве / Т. Ю. Майборода. — Текст: непосредственный // Новый юридический вестник. — 2019. — № 5 (12). // URL: <https://moluch.ru/th/9/archive/137/4395/> (Maiboroda, T. Yu. The concept of justice in civil law / T. Yu. Maiboroda. - Text: direct // New legal bulletin. - 2019. - No. 5 (12). - S. 16-18. - URL: <https://moluch.ru/th/9/archive/137/4395/>)
10. Коновалов А.В. Понятие справедливости в гражданском праве. *Lex russica (Русский закон)*. 2019; (8):27-36. <https://doi.org/10.17803/1729-5920.2019.153.8.027-036> (Konovalov A.V. The Concept of Justice in Civil Law. *Lex Russica*. 2019;(8):27-36. (In Russ.) <https://doi.org/10.17803/1729-5920.2019.153.8.027-036>)
11. Қуръони Карим: ўзбекча изоҳли таржима, Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти, 1992 йил
12. Имомова Ш. Ўзбек аёли эплими ё сеплими: бемаъни шартлардан келиб чиқаётган ажримлар. // URL: <http://uza.uz/oz/society/zbek-ayeli-eplimi-ye-seplimi-bemani-shartlardan-kelib-chiaye-14-07-2020>
13. Л.В.Валасатова. Принцип разумности в реализации субъектов гражданских прав. Автореф. Дисс. к.ю.н. Москва. 2005. // URL: [https://static.freereferats.ru/\\_avtoreferats/01002801211.pdf](https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01002801211.pdf) (L.V. Valasatova. The principle of rationality in the implementation of subjects of civil rights. Author's abstract. Diss. Ph.D. Moscow. 2005. // URL: [https://static.freereferats.ru/\\_avtoreferats/01002801211.pdf](https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01002801211.pdf))

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси  
E-mail: yumominfo@gmail.com

## СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАҲМАТОВ А.И. СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 65–70.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-9>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада спорт тадбирларини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, спорт тадбирларини ташкил этишда иштирок этувчи субъектларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, спорт тадбирларининг таснифи ва турлари, спортга оид меъёрий ҳужжатлар, спорт тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширишда юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмлари, қўлланадиган шартномаларнинг хусусиятлари, жавобгарлик масалалари, хорижий давлатларнинг соҳага оид қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, амалдаги соҳага оид миллий қонунчиликни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Спорт тадбирлари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шартномавий-ҳуқуқий асослар, шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий база, низом, битим, мутлақ ҳуқуқлар, солидар жавобгарлик, жамоат хавфсизлиги, спортга оид меҳнат муносабатлари, ҳуқуқий жавобгарлик.

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: yumominfo@gmail.com

## ВОПРОСЫ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ, СВЯЗАННЫХ С ОРГАНИЗАЦИЕЙ СПОРТИВНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализированы вопросы организации правовых основ спортивных мероприятий, статус участвующих субъектов, их права и обязанности, классификация и виды спортивных мероприятий, нормативные акты касательно спорта, механизмы регулирования гражданских правоотношений, возникающих при организации и проведении спортивных мероприятий, особенности применения

договоров, ответственности, особенности законодательства зарубежных стран в этой сфере. Выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства в этой сфере.

**Ключевые слова:** Спортивные мероприятия, гражданско-правовые отношения, договорно-правовые основы, договорно - правовое регулирование, правовая база, нормативные акты, соглашения, исключительные права, солидарная ответственность, общественная безопасность, трудовые отношения в спорте, юридическая ответственность.

**Raxmatov Anvar**

Tashkent State University of Law, independent researcher

E-mail: yumominfo@gmail.com

## ISSUES OF CONTRACTUAL REGULATION RELATED TO THE ORGANIZATION OF SPORTING EVENTS

### ANNOTATION

The article analyzes the issues of organizing the legal foundations of sports events, the status of participating subjects, their rights and obligations, the classification and types of sports events, regulations regarding sports, mechanisms for regulating civil legal relations arising from the organization and holding of sports events, the peculiarities of the application of contracts, responsibility, features legislation of foreign countries in this area. Proposals and recommendations for improving national legislation in this area have been developed.

**Keywords:** principles of civil law, principle of good faith, principle of justice, principle of reasonableness, principle of legality, law enforcement, judicial practice, criteria for evaluating a court decision.

Одамларларнинг бўш вақтини қулай ва мазмунли ўтказишнинг энг оммабоп шаклларида бири бу оммавий спорт тадбирларини ташкил этишдир. Ўтказиладиган спорт мусобақалари сонининг кўпайиши нафақат спорт ишқибозлари, балки спорт тадбирларини ташкил этиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳам қизиқишини тортади. Чунки, ҳар бир томошанинг ёқимли ва харидоргир бўлиши кўп жиҳатдан спорт тадбирлари ташкилотчиларига боғлиқ.

Сўнги йилларда мамлакатимизда спортга бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, амалдагиларига ўзгартиришлар киритилди, шунингдек соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда. Бироқ, бу борадаги ишлар ҳозирги босқичда етарли даражада эмас. Мамлакатимизда спорт тадбирлари ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари етарлича ўрганилмаган, қонун ҳужжатлари нормаларида бу борадаги қоидалар етарлича ўз аксини топмаган.

Спорт ўйинларининг турларидан келиб чиқиб спорт тадбирларини турлича таснифлаш мумкин. Бинобарин, улар аҳамияти ва кўлами даражасига кўра халқаро, республика, минтақавий, вилоят, шаҳар, туманлар босқичларда ўтказилади. Ташкилий характериغا кўра - очиқ, ёпиқ, анъанавий ва мусобақа ҳаракатларининг таркибига қараб спорт тадбирлари индивидуал (баскетбол, конкида учиш ва ҳ.к.) ва комплекс жиҳатига қараб оммавий (спартакиада, олимпиада ва бошқалар) мусобақаларга бўлинади [1].

Одатда, спорт тадбирлари тасдиқланган спорт тадбирлари режалари, мусобақаларни ўтказиш тўғрисидаги низомлар, спорт ва технологик шароитлар, дастурлар, қоидалар ҳамда иштирокчилар ва томошабинларнинг хавфсизлигини таъминлаш талабларига мувофиқ ўтказилади. Албатта, бу тадбирларни ташкиллаштиришда спорт мусобақаси ташкилотчиларининг ҳиссаси катта бўлиб, буларга асосан давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар, шунингдек хавфсизликни таъминловчи ички ишлар органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқалар қиради.

Мамлакатимизда кўпроқ спортнинг футбол тури бўйича уюштирилган мусобақаларда томошабинларнинг оқими катта бўлади. Шу сабабли ҳудудда оммавий спорт тадбирлари

ўтказилганда тадбир ташкилотчилари томонидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган махсус мухит яратилади:

транспорт йўналиши вақтинча чекланади, савдо корхоналарининг ишлаш тартиби алмашади ва бу билан ўша ҳудудда яшаётган аҳолининг одатий яшаш тарзида ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлади;

чекланган ҳудудда кўплаб одамларнинг пайдо бўлиши, маълум бир хавфсизлик чораларини кўришга сабаб бўлади ва масъулиятни оширади;

ички ишлар идоралари хизматлари ва бошқа бўлимларнинг қўшимча равишда кучлари ва воситаларини жалб қилинишига олиб келади [2].

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, спорт тадбирлари пайтида жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг алоҳида масалалари қонуний тартибга солинади, бироқ спорт тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар, уларнинг шартномавий-ҳуқуқий масалалари умумлаштирилмаган ёки ҳар бир ташкилот томонидан ваколати доирасида алоҳида ҳужжат қабул қилинади. Шунингдек, улар қонуний кучи жиҳатидан тенг кучга эга эмас, чунки ягона шаклда эмас, балки тадбир ташкилотчиларнинг турли тизими томонидан шакллантирилади.

Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш учун биринчи навбатда қуйидагилар зарур ҳисобланади:

мусобақа ёки танлов тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш ва ўтказиш учун буюртма тайёрлаш;

тадбир ўтказиладиган жойда ташкилот раҳбари томонидан бошқариладиган ташкилий қўмитани тузиш ва тасдиқлаш;

мусобақанинг бош ҳақами ва бош котибини тайинлаш масаласини ҳал этиш;

ташкилий қўмига танловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузишни топшириш (унда иш турини, уларни бажариш муддатлари ва бажарилиш учун жавобгар бўлган шахслар кўрсатилади).

Бундан ташқари, юқори ташкилот раҳбари ёки мусобақани ўтказишга масъул шахс томонидан тадбирнинг даражасига қараб, ташкилий қўмитанинг иш режасини тасдиқланади. Унда тайёргарлик иш режаси, мусобақанинг тантанали маросимининг умумий қоидалари, танловнинг очилиш маросими, ғолибларни тақдирлаш маросими, тақдирлаш гуруҳининг таркиби, мусобақанинг ёпилиш маросими, мусобақа яқунлари ва бошқа масалалар атрофлича кўрсатиб ўтилади. Мазкур иш режа спорт тадбирлари иштирокчиларининг ҳар бирида бир нусхадан бўлади. Шунингдек, спорт мусобақаларида тиббий ёрдам, спортчилар ва юк машиналарининг хавфсизлигини таъминлаш, иштирокчилар ва спектраторларнинг жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади, аммо булар кўп ҳолларда ташкилий ишларнинг бир қисми сифатида оғзаки битимлар билан амалга оширилади.

Давлат томонидан ташкил этилаётган тадбирларда тиббий хизмат кўрсатиш ва жамоат тартибини сақлаш махсус масъул ходимларнинг тўғридан-тўғри вазифаси сифатида қабул қилинади ва бу ҳаракатлар бўйича шартнома тузиш ишлари амалга оширилмайди. Аслида ҳам шундай, аммо кўп ҳолларда вужудга келган тартибсизликлар натижасида қўшимча кучларни жалб этилишига тўғри келади.

Россия Федерациясининг 2013 йил 23 июлдаги 192-ФЗ-сонли қонунида [3] спорт тадбирлари ўтказиш вақти учун “Назоратчи-менежер” каби тушунча киритилган бўлиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида белгилаб ўтилган. *Назоратчи-менежер* – жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги федерал ижроия органи томонидан белгиланган тартибда махсус тайёргарликдан ўтган шахс ҳисобланади. У расмий спорт мусобақалари ташкилотчиси ва (ёки) спорт объекти эгаси ҳамда расмий спорт мусобақасини ўтказишдан манфаатдор шахс томонидан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун шартнома асосида жалб қилинади. Фикримизча, бу тажриба жуда яхши натижа беради, чунки ҳақиқатдан ҳам айрим давлат органлари ва ташкилотларига қонунчилик [4] билан кўчаларда, майдонларда, стадионларда ва бошқа жамоат жойларида фуқароларнинг хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш вазифаси юклатилган, бироқ қўшимча “Назоратчи-менежер”ларни ёллаш жамоат тартибини таъминлашда қўшимча кучларни жалб этишдан озод этади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида расмий спорт тадбирлари пайтида хавфсизликни таъминлаш соҳасида спорт қонунчилигини такомиллаштиришнинг иккита йўналиши мавжуд:

жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказилишида ишлатиладиган спорт иншоотлари билан боғлиқ нормалар;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш вақтида спорт иншоотларида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи нормалар [3].

Спорт тадбирларининг муҳим иштирокчиларидан яна бири - бу спорт тадбирларини янада қизиқарли, байрамона ўтишини таъминлаш учун масъул бўлган ташкилотлардир. Улар одатда спорт майдонини безак ишлари, техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминлаш, зарур ҳолларда маданият ва санъат вакилларини таклиф қилиш ва бошқа ташкилий ишлар билан шуғулланадилар.

Хорижий давлатларда, юқоридаги бу каби ишлар хусусий тадбиркорлар томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилади. Спорт бўйича йирик тадбирларни уюштириш жараёнида тадбир ташкилотчилари томонидан тасдиқланган режада бу жиҳатлар алоҳида белгилаб ўтилади. Бироқ, миллий қонунчилигимизда шартнома тузиш тартиби белгилаб ўтилган бўлса-да, кўп ҳолларда спорт тадбирлари ташкилотчилари билан шартномалар тузилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида жисмоний тарбия ва спорт субъектлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу субъектлар айти пайтда спорт шартномаларининг қайсидир маънода тўғридан-тўғри субъекти ҳам ҳисобланади [5]. Хусусан, қонунга мавофиқ, спорт тадбири ташкилотчиси жисмоний тарбия ва спорт субъектларидан биридир. Жумладан, Қонуннинг 21-моддасига кўра спорт тадбирларини ёритиш спорт тадбири ташкилотчиси билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилиши мумкин [6]. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига кўра жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси - ўз ташаббуси билан жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ўтказаетган ва (ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс [6] Қонуннинг ушбу нормасига кўра спорт тарбири ташкилотчиси бир нечта бўлиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Россия ва Белоруссия давлатларининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунларида бу борада алоҳида норма билан спорт тадбирлари ташкилотчиси бир неча субъект бўлиши мумкинлиги, шундай ҳолларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзаро шартномага асосан белгиланиши, шартнома бўлмаганда солидар тартибда жавобгар бўлиши ҳақидаги нормалар белгиланган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг ташкилотчилари бир нечта шахслар бўлган тақдирда, улар ўртасида бундай тадбирга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш келишув ва (ёки) бундай тадбир тўғрисидаги низом (регламент) асосида амалга оширилади. Агар, ушбу ҳужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари тадбир иштирокчиларига ва (ёки) учинчи шахсларга етказилган зарар учун биргаликда жавобгар бўладилар.

Ўз навбатида, оммавий спорт тадбирлари, катта спорт мусобақалар одатда бир неча ташкилотчилар билан биргаликда ташкил этилади. Спорт тадбирини ўтказишда ҳамкор ташкилотчилар муайян вазифаларни тақсимлаган ҳолда ўз зиммасига ҳуқуқ ва мажбурият олади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг ушбу нормасини янада такомиллаштиришга тўғри келади. Жумладан, спорт тадбири ташкилотчилари бир нечта бўлган ҳолларда улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли шартномага асосан белгиланиши, шартнома тузилмаган ҳолларда спорт тадбири натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик солидар тартибда ҳал қилиниши ҳақида норма киритиш лозим.

Маълумки, спорт тадбирларини ташкиллаштиришда кўплаб инсонларнинг меҳнати синади, шу сабабли қўшимча “қўл”лар зарар қилмайди. Айниқса, йирик спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда муҳим масала - кўнгилли ёрдамчилар (волонтерлар) мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрдаги “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра, кўнгилли ёрдамчилар спорт ташкилотларига мазкур ташкилотлар ва муассасалар раҳбарияти билан келишувга кўра волонтерлик фаолиятини амалга ошириш учун кириш мумкин. Шунингдек, улар оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга кўмаклашиш имкониятига эга [7, 6,12,16,17-мм]. Бироқ, мазкур келишувлар ҳам қонунга мувофиқ шартнома асосида тузилган бўлиши лозим, чунки волонтерга ишониб топширилган моддий қимматликлар ёки бошқалар учун жавобгарликлар ҳамда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳам ушбу шартнома тузилиши лозим. Масалан, Россия Федерацияси томонидан XXII қишки Олимпия ва 2014 йилги

XII қишки Паралимпия ўйинларини Сочи шаҳрида ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ 2 та Олимпия қонуни қабул қилинган бўлиб, уларда кўнгилли ёрдамчилар (волонтерлар) алоҳида қоидалар белгилаб ўтилган.

Олимпия қонунларининг 5-моддасига мувофиқ “кўнгиллилар” деб “Россия Федерацияси фуқаролари ва “Сочи-2014” ташкилий қўмитаси билан Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларини ташкиллаштириш ва (ёки) ўтказишда иштирок этиш тўғрисида фуқаролик шартномасини тузган чет эл фуқаролари тушунилади” [8]. Ушбу фуқаролар Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишда кўнгилли сифатида қатнашгани учун пул компенсацияси олмасдан ўз тажрибаси, билим, кўникма ва малакаларини қўллаш орқали спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этадилар. Бироқ, кўнгиллилар фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий асослари ҳали “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда ва унга тегишли қонунчиликда мустақкамланмаган. Демак, кўнгиллилар билан боғлиқ масалалар ҳам умумлаштирилган ҳолда спорт тўғрисидаги қонунчиликда акс эттирилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра қуйидаги муаммо ва камчиликларни санаб ўтиш мумкин:

бир неча ташкилотчи томонидан спорт тадбирларини ҳамкорликда ташкил этишда ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги масалаларини ҳал этишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари қонунларда кўрсатилмаган;

спорт тадбирларини қай даражада ўтказиш, иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш, голибларни рағбатлантириш, санитария қоидаларига риоя қилиш каби қатор масалалар айнан спорт тадбирлари ташкилотчиси зимасида бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига кўра спорт тадбирининг ташкилотчиси тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлади. Бунинг учун қонуннинг ушбу нормаси унга қуйидаги мутлақ ҳуқуқларни ҳам тақдим этади:

жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг номи ва рамзларидан фойдаланиш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш жойида товарлар, ишлар ва хизматлар рекламасини жойлаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларида фойдаланиладиган спорт экипировкаси, спорт ускуналари ва анжомлари ишлаб чиқарувчиларини белгилаш;

жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини уларнинг тасвири ва (ёки) овозини ҳар қандай усуллар билан ва (ёки) турли технологиялар ёрдамида трансляция қилиш орқали, шунингдек мазкур трансляцияни ёзиб олишни ва (ёки) тадбирни фотосуратга ҳамда видеотасвирга туширишни амалга ошириш орқали ёритиш.

Юқорида спорт тадбирлари ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларнинг асосий жиҳатлари очиб беришга ҳаракат қилинган бўлса-да, аммо белгиланган мақсадларга эришиш учун тадбирларнинг ҳуқуқий механизмини мунтазам ўрганиш ва таклифлар асосида такомиллаштириш лозим. Амалиёт шунини кўрсатадики, мусобақаларни юқори даражада ташкил этиш ёшларни спорт билан шуғулланиш учун қизиқишининг ортишига ва спорт орқали ўқитиш учун самарали рағбат бўлиб хизмат қилади. Спорт соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш эса, спорт билан боғлиқ меҳнат муносабатларини ҳам тартибга солишга олиб келади.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Иванов Валентин Дмитриевич Общественный порядок и общественная безопасность при проведении спортивных мероприятий: правовое обеспечение // Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация. 2016. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obschestvennyy-poryadok-i-obschestvennaya-bezopasnost-pri-provedenii-sportivnyh-meropriyatiy-pravovoe-obespechenie> (дата обращения: 05.10.2020).

2. Алексеева А.П. Обеспечение общественного порядка и общественной безопасности при проведении спортивных массовых мероприятий // Вестник Воронежского государственного университета. - Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 2012, № 2 (13). - С. 436-441 (To Ensure Public Order and Public Safety during Mass Events. Herald of the Voronezh State University. Series: Right, 2012, no. 2 (13), pp. 436-441)

3. Федеральный закон РФ от 23.07.2013 № 192-ФЗ «О внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации в связи с обеспечением общественного порядка и общественной безопасности при проведении официальных спортивных соревнований» (Federal

Law of the Russian Federation of 23.07.2013 No. 192 “On Amendments to Certain Legislative Acts of the Russian Federation in Connection with Ensuring Public Order and Public Safety during Official Sports Competitions”)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3202965> (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 1, 2017 No PP-2940 «On measures to radically improve the activities of law enforcement agencies in the field of public order and public safety» // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3202965>)

5. Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 5 сентябрдаги 174 (6357)-сонида эълон қилинган.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // URL: <https://lex.uz/ru/docs/2742233> (Law of the Republic of Uzbekistan «On Physical Culture and Sports» of September 4, 2015 (new edition) // URL: <https://lex.uz/ru/docs/2742233>)

7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4623999> (Law of the Republic of Uzbekistan «On Volunteerism» dated December 2, 2019 // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4623999>)

8. Федеральный Закон РФ 28.06.2014 ФЗ-310 “Об организации и о проведении XXII Олимпийских зимних игр и XI Паралимпийских зимних игр 2014 года в городе Сочи, развитии города Сочи как горноклиматического курорта и внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации” // URL: <http://docs.cntd.ru/document/902074703> (Federal Law of the Russian Federation 06/28/2014 FZ-310 “On the organization and holding of the XXII Olympic Winter Games and XI Paralympic Winter Games of 2014 in the city of Sochi, the development of the city of Sochi as a mountain climatic resort and amendments to certain legislative acts of the Russian Federation” // URL: <http://docs.cntd.ru/document/902074703>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич**

Профессор кафедры «Бизнес право» Ташкентского государственного юридического университета, доктор юридических наук, профессор

**АЧИЛОВА Лилия Илхомовна**

Преподаватель кафедры «Бизнес право»  
Ташкентского государственного юридического университета  
доктор философии по юридическим наукам (Phd)  
E-mail: [Liliya.achilova@mail.ru](mailto:Liliya.achilova@mail.ru)

## ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РУЗИНАЗАРОВ Ш.Н., АЧИЛОВА Л.И. ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), С. 71–75.



2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-10>

### АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ тенденций и развитие правового регулирования иностранных инвестиций в Республике Узбекистан. Высказаны мнения, что инвестиции, включенные в инновационные инвестиции, включают разработку нового поколения технических устройств и технологий. Кроме того, описаны актуальные вопросы, связанные с минимизацией риска при реализации инновационных инвестиций в национальную экономику. Даны предложения по применению национальных норм, как важной гарантии в снижении риска для инвесторов и во взаимодействии с государственными органами управления.

**Ключевые слова:** Развитие правового регулирование иностранных инвестиций; инновационные инвестиции; гарантии для инвесторов; снижение риска; национальный инвестиционный климат; благоприятный инвестиционный режим.

**Рузиназаров Шухрат Нуралиевич**

Тошкент давлат юридик университети  
«Бизнес ҳуқуқи» кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

**Ачилова Лилия Илхомовна**

Тошкент давлат юридик университети  
«Бизнес ҳуқуқи» кафедраси катта ўқитувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: [Liliya.achilova@mail.ru](mailto:Liliya.achilova@mail.ru)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг йўналишлари ва ривожланиши таҳлил қилинган. Инновацион инвестицияларга киритилган инвестициялар техник қурилмалар ва технологияларнинг янги авлодини ривожлантиришни ўз ичига олади, деган фикрлар билдирилди. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётга инновацион инвестицияларни амалга оширишда рискларни минималлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар баён этилган. Инвесторлар учун хавфни камайтириш ва давлат органлари билан ўзаро муносабатларда инвесторлар учун муҳим кафолат сифатида миллий стандартларни қўллаш бўйича таклифлар берилди.

**Калит сўзлар:** Хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш; инновацион инвестициялар; инвесторлар учун кафолатлар; рискларни камайтириш; миллий инвестиция муҳити; қулай инвестиция режими.

**RUZINAZAROV Shukhrat**

Professor of the Department Business law at  
Tashkent State University of Law, Doctor of law Sciences

**ACHILOVA Liliya**

Senior Lecturer of the Department Business law at  
Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
e-mail: [Liliya.achilova@mail.ru](mailto:Liliya.achilova@mail.ru)

## TRENDS AND DEVELOPMENT OF LEGAL REGULATION OF FOREIGN INVESTMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.

### ANNOTATION

This article analyzes the trends and development of legal regulation of foreign investment in the Republic of Uzbekistan. Views were expressed as investments included in innovative investments include the development of a new generation of technical devices and technologies. In addition, topical issues related to minimizing risk in the implementation of innovative investments in the national economy are described. Proposals are given on the application of national regulations as an important guarantee for investors in reducing the risk for investors and in cooperation with government agencies.

**Keywords:** Development of legal regulation of foreign investments; innovative investments; guarantees for investors; risk reduction; national investment climate; favorable investment regime.

Общеизвестно, что определенные сектора экономики используют определенные инвестиционные ресурсы. Сегодня существует особая правовая структура - право инвестировать в предпринимательство. Существует большая правовая база для инвестиционной деятельности нашей страны. Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от 25 декабря 2019 года, Закон Республики Узбекистан «О гарантиях и мерах по защите прав иностранных инвесторов», Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» от 26 января 2019 года, Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию системы управления в сферах инвестиций и внешней торговли» от 28 января 2019 года, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации деятельности Агентства по привлечению иностранных инвестиций при Министерстве инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан» от 24

июля 2019 года. Эти законы предусматривают материальные и нематериальные выгоды и права, в которые они инвестируются в качестве инвестиций в экономическую и другую деятельность. Инвестор является субъектом инвестиционной деятельности, который инвестирует собственные средства, заемные и привлеченные средства, имущественные ценности и права, а также права интеллектуальной собственности и объекты инвестиционной деятельности. Инновационные инвестиции в виды инвестиций являются уникальными. Инвестиции, включенные в инновационные инвестиции, включают разработку нового поколения технических устройств и технологий. Инновационные инвестиции ресурсы могут быть:

набор объектов интеллектуальной собственности, в том числе технологии, коммерция и другие знания, созданные в виде технической документации;

соглашения и производственный опыт, ноу-хау, необходимые для организации одного или того же производства.

Согласно статье 3 Закона «Об инвестициях и инвестиционной деятельности», права на интеллектуальную собственность могут быть признаны иностранными инвестициями на территории Республики Узбекистан. Иностранные инвесторы могут инвестировать в территорию Республики Узбекистан, инвестируя интеллектуальную собственность, включая авторские права, патенты, товарные знаки, полезные модели, промышленные образцы, фирменные наименования и ноу-хау, а также деловая репутация бизнеса (гудвилл) [1].

Инновационные инвестиции отличаются от национального инвестиционного климата и благоприятного инвестиционного режима, с которым они реализуются.

Минимизация риска при реализации инновационных инвестиций в национальную экономику проявляется в следующих случаях:

Во-первых, государственные органы принимают решения о децентрализованных инвестициях в отношении перспектив социально-экономического развития страны, научно-технических и широкомасштабных государственных программ, а также технико-экономических обоснований, которые определяют целесообразность этих инвестиций.

Во-вторых, конкретные инновационные инвестиционные проекты будут подвергаться специальной экспертизе. Инвестиционные проекты, финансируемые за счет бюджетных и внебюджетных средств, а также иностранные инвестиции под поручительство Правительства Республики Узбекистан, подлежат экспертизе.

Коммерческий банк должен изучить инвестиционные проекты малого бизнеса, финансируемые за счет кредитных ресурсов банков, на предмет возможности реализации этого инвестиционного проекта.

Минимизации риска за счет страхования от инновационных проектов с участием иностранных инвестиций является своеобразным. Это предусмотрено статьей 16 Закона «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». Инвестиции и страхование иностранных инвесторов являются добровольными [1].

Иностранные инвесторы пользуются правом любой страховой защиты, законно действующей на территории Республики Узбекистан наравне с ее инвесторами. Страхование иностранных инвестиций от политических и других рисков также может быть обеспечено международными организациями, экспортно-кредитными агентствами зарубежных стран и другими страховыми компаниями.

Страховые организации, осуществляющие страхование иностранных граждан, не несут ответственности по обязательствам Республики Узбекистан. Государственная страховая компания не отвечает по обязательствам страховых организаций, за исключением случаев, предусмотренных соглашением сторон.

Страхование иностранных инвестиций покрывает политические и другие риски, в том числе: любые законодательные или административные меры, ведущие к экспроприации имущества, а также к потере контроля над имуществом или передачи права собственности на имущество; введение ограничений на ввоз иностранной валюты из страны; внесение изменений в законодательство о дискриминации по отношению к отдельным группам инвесторов;

вмешательство государственных органов, местных органов власти и их должностных лиц в отношении с инвесторами;

войны, гражданские восстания или другие подобные события;

обеспечение страховой защиты и гарантии от иностранных и других рисков, связанных с иностранными инвестициями.

Один из специалистов в области исследования средств защиты инвесторов, И.З. Фархутдинов, считает, что организационные гарантии будут отражены в правовой базе для обеспечения прав инвесторов [2, С. 75–80].

Национальная правовая система нашей страны имеет конкретные правовые гарантии для иностранных инвесторов. Эта гарантия, как правило, изложена в главе 3 именуемой «Государственные гарантии прав субъектов инвестиционной деятельности и защита инвестиций» [1]. Хотя его считали великим достижением, он стал декларативной нормой для практики различных толкований. Согласно этому правилу Правительство гарантирует и защищает права иностранных инвесторов, действующих в Республике Узбекистан.

Законодательство, включая ведомственные нормативные акты, не имеет права на возврат, если их исполнение наносит ущерб иностранному инвестору или иностранным инвестициям.

Принимая во внимание следующее, внесение изменений и дополнений в законодательство, а также ухудшение инвестиционных условий при принятии новых законодательных актов Республики Узбекистан:

увеличение ставки налога на прибыль (дохода) на доходы, полученные в качестве дивидендов иностранному инвестору;

введение дополнительных требований, которые усложняют процедуру возврата дохода (прибыли) иностранного инвестора на территорию Республики Узбекистан или уменьшения их размера, в том числе о несостоятельности или банкротстве предприятия с иностранными инвестициями или защите прав кредиторов иностранного инвестора - в случае правонарушения или административного правонарушения, совершенного физическим лицом, или в соответствии с решением суда или арбитража, приостановление репатриации компетентным государственным органом средств иностранного инвестора в условиях недискриминационного использования закона, когда возникает еще одна необходимость приостановить их возвращение в страну происхождения;

введение количественных ограничений на объемы инвестиций и другие дополнительные требования к инвестициям, в том числе увеличение иностранных инвестиций в предприятия с иностранными инвестициями;

введение ограничений на участие иностранного инвестора в уставном капитале (уставных капиталах) предприятий;

введение дополнительных процедур оформления и продления виз иностранных инвесторов - физических лиц, а также другие дополнительные требования для иностранных инвестиций.

Это положение не распространяется на принятие, дополнение или отмену законодательных актов, которые определяются в соответствии с общепризнанными принципами международного права, непосредственно связанными с защитой интересов национальной безопасности Республики Узбекистан. Если мы проанализируем права, гарантии и возможности, доступные национальным инвесторам и иностранным инвесторам выше, они обычно используются в качестве правовых инструментов для осуществления и защиты инвестиций и деловой активности в общем смысле и для снижения подобных рисков. Тем не менее, можно сказать, что инновационный риск в предпринимательстве может быть связан с успешной реализацией инвестиционных проектов, если инновационный риск сопряжен с целым рядом рисков, с которым сталкиваются инвесторы.

Субъекту предпринимательской деятельности возмещается материальный ущерб, вызванный доверием юридической силы административного документа, принятого государственным органом (должностным лицом). В случае, когда законная сила настоящего документа была использована владельцем, использовала или отказалась от соглашения, или иным образом использовалась, срок действия этого документа потерял свою силу или аннулирован.

Вопрос об аннулировании или изменении административного документа государственного органа (должностного лица) рассматривается судом в том случае, если он касается законных интересов компетентного инвестора и субъекта предпринимательской деятельности. (Статья 1 Указа Президента Республики Узбекистан от 1 августа 2018 года «О мерах по коренному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан»), за исключением случаев, когда его защита угрожает общественным интересам [3].

Применение этих норм рассматривается как важная гарантия в снижении риска для инвесторов и во взаимодействии с государственными органами управления. Сегодня самая важная задача состоит в том, чтобы обеспечить им строгое применение прав и в судебной практике.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». №ЗРУ-598. 25.12.2019. // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4664144> (The Law of the Republic of Uzbekistan «On investments and investment activities» dated December 25, 2019. URL: <https://lex.uz/ru/docs/4664144>)
2. Фархутдинов И.З. Международное инвестиционное право: теория и практика применения. М.: Волтерс Клувер, 2005. (Farkhutdinov I.Z. International investment law: theory and practice of application. Moscow: Volters Kluver, 2005)
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан». №УП-5495. 01.08.2018. // URL: <https://lex.uz/docs/3845276> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures to radically improve the investment climate in the Republic of Uzbekistan». №УП-5495. 01.08.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3845276>)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ГАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон**

Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ГАЙБУЛЛАЕВ С. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 76–82.

 2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-11>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқидаги таъминловчи битимлар сифатида насия товар сотиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш, ижара, кейинчалик сотиб олиш шарти билан товарни ижарага бериш, лизинг каби шартномаларнинг мажбурият бажарилишини таъминловчилик хусусияти таҳлил этилган. Таъминловчи битимлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишини барқарорлаштириш ҳамда молиявий хизматларнинг кафолатланишида алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли таъминловчи битимлар товарларни реализация қилиш тизимини фаоллаштириш, товар ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар фаолиятини яна қўллаб-қувватлашнинг муҳим ҳуқуқий механизми сифатида намоён бўлади. Муаллиф таъминловчи битимлар мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий қарз мажбурияти бажарилишини кафолатлар вазифасини бажаришини асослантиради. Шунингдек, таъминловчи битимлар категориясини қўллашда кредитор манфаатларини таъминлашдаги устуворлик, мажбуриятни бажариш таъминловчи битим асосида берилган мол-мулк ҳисобидан амалга оширилиши очиб берилади. Таъминловчи битимлар доирасини ва турларини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш юзасидан таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** Таъминловчи битимлар, фуқаролик ҳуқуқи, мажбурият, битим, шартнома, қарз, кредитор, лизинг, олди-сотди, ижара

**Гайбуллаев Сохибжон**

Прокурор отдела прокуратуры Кашкадарьинской области

## «ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫЕ СДЕЛКИ» В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы характерные черты обеспечения исполнения обязательств договорами, обеспечивающими сделки в гражданском праве, как продажа товара в долг, оплата товара в рассрочку, аренда, имущественный наем с условием последующего выкупа, лизинг. Обеспечительные сделки играют особую роль в стабилизации выполнений гражданско-правовых обязательств и обеспечении финансовых услуг. Автор обосновывает, что обеспечительные сделки вместе с методами обеспечения выполнения обязательства служат гарантией исполнения

гражданско-правового долгового обязательства. Кроме того, раскрывается приоритет в обеспечении интересов кредитора при применении категории, по которым осуществляется за счет имущества, переданного на основании обеспечительных сделок. Даются предложения по конкретному определению объема и видов обеспечительных сделок в законодательстве.

**Ключевые слова:** обеспечительные сделки, гражданское право, обязательство, сделка, договор, долг, кредитор, лизинг, купля-продажа, аренда.

**Gaibullaev Sokhibjon**

Prosecutor of the Department of the Prosecutor's Office  
of the Kashkadarya Region

## SECURITY TRANSACTION IN CIVIL LAW

### ANNOTATION

This article analyzes the characteristic features of securing the fulfillment of obligations by such contracts that ensure transactions in civil law, such as the sale of goods on credit, payment for goods in installments, rent, property rent with the condition of subsequent redemption, leasing. Collateral transactions play a special role in stabilizing civil compliance and providing financial services. For this reason, securing transactions are viewed as an important legal mechanism for activating the system for selling goods, further supporting the activities of producers and sellers of goods. The author proves that securing transactions, together with methods of securing the fulfillment of an obligation, serve as a guarantee for the fulfillment of a civil debt obligation. In addition, it reveals the priority in securing the interests of the creditor when applying the category of securing transactions, the fulfillment of the obligation under which is carried out at the expense of property transferred because of securing transactions. Proposals are given on the specific definition of the volume and types of collateral transactions in the legislation.

**Keywords:** Security transactions, civil law, obligation, transaction, contract, debt, creditor, leasing, purchase and sale, rent.

Мажбурият бажарилишини таъминлаш муаммоси кишилик жамиятининг дастлабки пайтлариданоқ долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган. Дастлаб мажбурият бажарилишини таъминлаш ва уни бажармаслик оқибати бевосита қарздорнинг шахси ва эркинлигини чеклаш ва унга нисбатан жисмоний куч ишлатиш каби воситалар билан таъминланган бўлса, кейинчалик энг мақбул усул сифатида қарздорнинг қўшимча мол-мулкани кредитор фойдасига олиб қўйиш йўли орқали амалга оширилган [1, Б.50]. Ҳуқуқий билимларнинг ва тасаввурнинг ривожланиб бориши натижасида мажбурият бажарилишини таъминлашнинг янгидан-янги усуллари, воситалари, механизмлари ишлаб чиқиладиганлиги эса, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усул ва воситалари доимий такомиллаштириб боришни тақозо этишини кўрсатади.

Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари тизими кейинги йилларда янги маъно ва мазмун касб этиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, қарз мажбуриятини таъминлашда анъанавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари билан бирга, амалдаги шартномавий қурилмаларни таъминлаш усуллари сифатида талқин этиш ёки таъминлаш воситасига мослаштиришга уринишлар кузатилмоқда [2, Б.44-51]. Масалан, Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда - ФК) 421-моддаси еттинчи қисмида белгиланишича, товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади [3].

Бу қоидадан агар сотиб олувчи насияга сотилган товар ҳақини тўлашни кечиктирса ёки уни тўламай қўйса сотувчи ундирувчи насияга сотилган товарга қаратишга ҳақли бўлишини англатади. Шу боис насияга товар сотиш шартномасини ҳам қарзни таъминлаш воситаси сифатида баҳолаш мумкин бўлади [4, Б.76].

Бироқ мазкур қоидадан ўзига хос истисно мавжудки, бу ҳолат насияга товар сотиш шартномасини

таъминловчи битимлар жумласига киритишни истисно этади. Гап шундаки, ФКнинг 422-моддаси учинчи қисмида ундирувни насияга сотилган товарга қаратишни таъқиқлаш мумкин бўлган қоида назарда тутилган. Унга мувофиқ, сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Бу ҳолат кредитор ҳуқуқларини чеклашга олиб келади. Масалан, фуқаро А. фуқаро Б.га автомашинасини сотди ва пулини бўлиб-бўлиб тўлани келишди. Ўзаро келишувга кўра автомашина нархи 100000000 сўм белгиланди ва уч йил ичида тўланиши керак эди. Сотиб олувчи 75000000 сўмни икки ярим йил ичида тўлади. Қолган 25000000 сўмни тўлашни кечиктириб юборди ва муддат ўтсада уни тўлай олмади. Мазкур вазиятда ФКнинг 421-моддаси еттинчи қисми қоидасидан келиб чиқилган бўлса сотувчи ундирувни гаров нарчаси бўлган насияга сотилган автомашинага қаратиши мумкин бўлар эди. Лекин ФКнинг 422-моддаси учинчи қисми қоидаси бунини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Шу боис мазкур нормани ФКдан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Қарзни мажбуриятини таъминлашга оид яна бир восита бу сотилган товар ҳақи тўлиқ тўлаб бўлинмагунча унга нисбатан мулк ҳуқуқи сотувчида сақланиб туриш қоидасидир. Ушбу қоида ФКнинг 424-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқи товар ҳақи тўлангунга ёки бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар сақланиши назарда тутилган ҳолларда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у товарнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас. Топширилган товарнинг ҳақи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда тўланмаганда ёки мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳолатлар юз бермаганда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, қарз мажбуриятини таъминлаш воситаси, таъминловчи битим сифатида лизинг шартномасини ҳам киритиш мумкин [5, Б.57]. Маълумки, лизинг - инглизча «Forlease» сўзидан олинган бўлиб, “ижара олмоқ” деган маънони англатади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 587-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига асосан лизинг (молиявий ижаралар)ни ижара муносабатларининг алоҳида тури сифатида белгилайди, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига 12 ойдан ошадиган муддатда эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади [6].

Бунда лизинг бўйича ижаранинг умумий аломатлари – ижарага олинадиган мол-мулкни бериб қўйиш, шартномага ҳақ тўланиши, лизинг олувчининг мол-мулкка вақтинчалик эгалик қилиши ва ундан фойдаланиши, шунингдек фақат лизинг учун хос бўлган аломатлар – шартнома субъектларининг (лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи) албатта иштирок этиши, шартнома муносабатлари мажмуининг мавжудлиги, уни лизингга бериш учун лизинг берувчи томонидан лизинг объекти махсус сотиб олиниши керак.

Ҳуқуқий муносабатларда “лизинг” ва “ижара” тушунчалари бир-бирига тўлалигича мувофиқ тушмайди. Шунга қарамасдан ФКнинг 6 параграфидан лизинг шартномаси томонлари лизинг берувчи (ижарага берувчи) лизинг олувчи (ижарага олувчи) деб аталган, мазкур тушунча лизинг муносабатларининг барча хусусиятларини акс эттира олмайди. Ҳолбуки, лизинг – махсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни қайта ишловчи корхоналар учун моддий-техника воситаларини сотиб олиш, сотиш, кредит битимини тузиш ва инвестиция киритиш ҳамда маълум муддатга ижарага бериш ва лизинг тўловини олиб туриш орқали фойда кўриш, шунингдек хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги молиялашнинг ноанъанавий ўзига ҳос шаклидир.

Маълумки, лизинг шартномаси маълум таркибий қисмлардан иборат. Лизинг шартномаси куйидаги унсурларни, албатта, ўз ичига олган бўлиши керак: лизинг объектини; техникани етказиб бериш муддатини; шартномада белгиланган ижара муддатини; ижарага берувчининг яъни лизинг берувчининг мулк ҳуқуқини; хавф-хатар, жавобгарлик ускунанинг соз эканлигини; ускуналардан фойдаланиш йўриқномаларини; ускунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишни; зарарлар, тасодифий ҳодисаларни; шарномани суғурталашни; ижара тўловини; шартномада белгиланган тўловни кечиктирганлик учун жаримани; ускунани сотиб олиш имкониятини; шартномани бекор қилиш шартлари; ускунани қайтариш вақтини; солиқ; томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари; лизинг шартномасининг кучга киришини кечиктирувчи шароитларни; зарур маълумотларни етказиб бериш шартларини; томонларнинг жойлашган ўрни; банкнинг кафолат ҳужжатини; форс-мажор ҳолатларни, лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби ва бошқаларни ўз ичига олиши лозим. Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Лизинг тушунчасига аниқлик киритиш билан бирга, лизинг фаолиятини ҳам ёритиш лозим. “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 8 -моддасига кўра, лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир. Бундан маълум бўладигани, лизинг фаолияти лизинг объектини олди-сотди шартномаси билан боғлиқ субъектлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ташкил этади.

Хусусан, лизинг фаолиятида лизинг шартномасининг шакллари алоҳида аҳамият касб этади. Лизинг шартномасининг шакли “Лизинг тўғриси”даги Қонуннинг 9-моддасида белгиланган бўлиб, лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Лизинг шартномаси: шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра; мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

Лизинг моҳиятига кўра, лизинг берувчи (одатда молиявий маблағлар эгаси бўлган ва молиявий хизматлар кўрсатадиган мақсадида ташкил этиладиган махсус компания, банк ёки бошқа молиявий муассаса) нинг пул маблағларини тадбиркорлик фаолияти учун қўлланиладиган асбоб-ускуналарга йўналтириш орқали лизинг олувчи (тадбиркорлик субъекти)нинг техника воситалари ва шунга ўхшаш бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришнинг замонавий воситаси ҳисобланади. Шундай экан, лизинг берувчи учун лизинг бериладиган ишлаб чиқариш воситалари эмас, муомалага киритган ўз маблағларининг фоизи билан қайтиши саналади. Бу эса анъанавий ижарада бўлгани каби ижарага нима берилган бўлса, шу нарсанинг ўзи қайтарилишидан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам лизингда ижарада бўлгани каби иккита эмас учта тараф иштирок этади ва бу лизинг конструкциясининг зарурий шarti саналади.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларнинг қолдиқ қиймати йиғиндисида сотиб олиш кўзда тутилади. Лизингни фарқлантирувчи хусусиятлардан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли кўпинча лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. “Ривожланган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85% жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган лизинг операциялари эканлиги қайд этилган”. Бунда, одатда, банкнинг узоқ муддатли кредитлари жалб қилинади. Ижарачи ижарага бериладиган ускуналар қийматининг 80%гача ҳажмда узоқ муддатли кредит бериладиган ускуналар ва ижара тўловлари берилган кредитлар учун таъминланганлик ҳисобланади. Лизинг шартномаси предметидан ер участкалари ва бошқа табиий ресурсларнинг чиқарилиши уларнинг ижараси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган махсус шартномалар орқали тартибга солиниши билан изоҳланади. Лизингнинг асосий хусусиятлари яна шундан иборатки, фойдаланишга илгари ижарага берувчи ишлатган ускуна эмас, балки у фақат ижарага бериш мақсадида харид қилган ускуна топширилади.

Лизинг шартномаси предметини ташкил қилувчи мол-мулкнинг истеъмол қилинмаслиги ижаранинг барча шаклларида хосдир, у лизинг муносабатларининг узоқ муддатли бўлишини таъминлайди, шартномага ижара муддати тугагандан сўнг ижарачи томонидан ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш тўғрисидаги шартларни киритиш имконини беради [7, Б. 228]. Айни вақтда лизинг шартномасида, мисол учун ускуналарини узоқроқ муддатга ижарага олиш учун тузиладиган бошқа ижара турларидан ва тўлов шартлари хусусиятларидан бир қанча фарқлар



мавжуд. Одатда лизинг чоғида ускуналарни ижарага бериш муддати бу ускуналардан самарали фойдаланиш, яъни тўла амортизация муддатига яқинлашади. Шу давр давомида шартномани тарафлардан бирортаси ҳам бекор қила олмайди. Лизинг тўловларининг умумий суммаси мол-мулк қийматидан, унинг харид нархидан ортиқ бўлади. Тўловнинг мол-мулк қийматидан ортиқча қисми лизинг берувчининг фойдасини ташкил этади.

Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади (ФКнинг 590-моддаси). Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг микдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Лизинг шартномасида ҳам лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаса лизинг олувчи лизинг объектини қайтариб олиш талаб қилишга ҳақи ҳисобланади [6]. Бу қоида “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисида белгиланган бўлиб, унга биноан лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келгуси лизинг тўловларини тўлашни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтиб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб этиш. Хусусан, лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида”ги Пленум қарорида лизинг олувчининг жавобгарлик масаласига аниқлик киритилган бўлиб унга кўра: лизинг берувчига у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказилиши, лизинг шартномасини лизинг олувчи томонидан жиддий тарзда бузиш деб тушунилади [8]. Шунингдек, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг объектини шартнома шартларини бузган ҳолда сақлаганлиги, лизинг олувчи лизинг объектини суғурталамаганлиги, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаганлиги, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирламаганлиги ҳам лизинг шартномасини жиддий тарзда бузиш ҳисобланади. Бунда лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасини жиддий тарзда бузилганлиги ҳолатини исботлаш мажбурияти лизинг берувчининг зиммасига юклатилади деб кўрсатиб ўтилган.

Лизинг берувчи лизинг олувчининг олдиндан розилигини олмай туриб, лизинг объектдан гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас “127-Автокорхона корхонаси” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда - МЧЖ) жавобгарлар “ALFA LEASING” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда – Лизинг корхонаси), ОАТБ “Савдогар” (бундан буён матнда - Банк), Мирзо-Улуғбек туманидаги 9-сонли Давлат нотариал идораси катта нотариуси Р.Норовга нисбатан ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Лизинг корхонаси ва Банк ўртасида 2012 йил 25 июнда тузилган ва нотариус Р.Норов томонидан расмийлаштирилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Суднинг 2015 йил 19 октябрдаги ажрими билан Мирзо-Улуғбек туманидаги 9-сонли Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Р.Норов ишга дахлдор учинчи шахс Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан алмаштирилган. Биринчи инстанция судининг 2015 йил 2 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, Лизинг корхонаси ва Банк ўртасида 2012 йил 25 июнда тузилган гаров шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган [9].

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, қарз мажбурияти бажарилиши таъминлаш воситаси сифатида лизинг шартномаси қоидаларидан фойдаланиш мумкин ва лизинг тўловини тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаган лизинг тўловчи мулки таъминот воситаси сифатида лизинг олувчига ихтиёрига ўтади.

Таъминловчи битимлар доирасини белгилаб олиш ҳам бугунги кунда ҳуқуқшунослик назарияси

ва амалиёти учун муҳимдир. Юқорида келтирилган қарорида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги ПҚ-4026-сон Қарори) таъминловчи битимларнинг айримлари, хусусан, лизинг, бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи олди-сотди, ижара кўрсатилган ҳамда “бошқа битимлар объекти бўлган ҳамда ушбу битимларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўйилган мол-мулк” иборасида қайси битимлар назарда тутилганлигини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қарз мажбуриятини таъминловчи битимларни мажбурият бажарилишини таъминловчи усули сифатида қўллаш масалаларини аниқлаштириш зарурати мавжуд. Чунки, одатдаги лизинг, насияга товар сотиш, ижара каби шартномаларнинг таъминловчи битимга айланиши қайси вазиятда юз бериши ҳамда уларда қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ўрнига ундирув усулининг қўлланилиши фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назардан қанчалик ўринли эканлигини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Юқоридаги таҳлиллар асосида, фуқаролик ҳуқуқидаги таъминловчи битимларга ойда куйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

1) таъминловчи битимларни фуқаролик ҳуқуқидаги номланмаган битимлар жумласига киритиш мумкин. Шу боис қарз мажбуриятини таъминлашда мол-мулкни кредитор ихтиёрига берилиш йўли билан тузиладиган битимларнинг турларини аниқ белгилаш лозим. Бундай битимлар жумласига лизинг, насияга товар сотиш, ижара билан бирга ссуда, омонат сақлаш, ташиш шартномалари ва шу каби бошқаларни киритиш мумкин. Муайян турдаги битимларни “таъминловчи битимлар” жумласига киритиш учун битим қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим: мол-мулк кредитор ихтиёрида бўлиши; қарздор томонидан мол-мулк қонуний асосларда берилиши; мулкнинг титули ўтиши қўшимча мажбурият сифатида эмас, асосий мажбурият сифатида амалга оширилиши; таъминлаш воситаси сифатида учинчи шахсларнинг иштирок этмаслиги;

2) ФКда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига оид умумий қоидалар белгиланган (ФКнинг 22-боби). Бу усулларнинг аксарияти ҳам одатда битим (шартнома) тузиш йўли билан қўлланилади. Бу битимлар ҳам таъминловчи битим сифатида эътироф этилади, бироқ улар кредитор ва қарздор ўртасидаги қўшимча мажбуриятни вужудга келтирмайди. Шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “таъминловчи битимлар”га оид тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3) таъминловчи битимлар кредиторнинг ҳуқуқлари қарздорнинг мол-мулкига нисбатан ҳуқуқ муайян муддат унинг эгаллигида бўлиб туриши билан тавсифланади. Масалан, насияга товар сотишда сотувчи товар ҳақи тўлиқ тўлаб бўлинмагунча ва бу муддат мобайнида сотиб олувчи товар ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаганида ўз талабларини сотиб олувчига насияга сотилган товарга қаратиши мумкин.

### Иқтибослар/Сноски/References:

